



28  
(1346)-son  
13-iyul  
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Сифатсиз интернет учун провайдер жарима тўлайди  
2-бет

### ИНФОКОММУНИКАЦИЯ

"Ўзбектелеком" АЖ халқаро транзитни ривожлантиришда "Қозоқтелеком" АЖ билан ҳамкорлик қилади  
3-бет

### ЎЗБЕКСКИЕ СПЕЦИАЛИСТЫ

изучают корейский опыт по созданию электронной библиотеки  
6-бет

### МАҲОРАТ СИРЛАРИ

Украиналик фрилансер иш тажрибаси билан ўртоқлашди  
7-бет

### ИНФОГРАФИКА

Электр токини қандай тежаш мумкин?  
11-бет

### МУТОЛАА

Кузнинг машъум айбонмалари (ҳикоя)  
14-бет

### ВАЗИРЛИК ДИҚҚАТИГА

Фахрийлар кенгаши зарур  
16-бет

**SPEEDTEST GLOBAL INDEX 2018**  
Йил июн ойи учун ГЛОБАЛ СИМЛИ ВА СИМСИЗ ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Ўзбекистонда симли интернет тезлиги **7,10 Мб/с.**  
133 мамлакат орасида **126-ўрин**



Ўзбекистонда мобил интернет тезлиги **8,95 Мб/с.**  
124 мамлакат орасида **113-ўрин.**

## Шуҳрат САТТОРОВ: МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЯГОНА ФОРМУЛАСИ ЙЎҚ

бирок уни юзага келтирадиган зарур омиллар бор



Бугунги суҳбатдошимиз Шуҳрат САТТОРОВ изланувчан, ёш журналистлардан. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлимида фаолият кўрсатади. Уни тез-тез телеэкранларда кўрамиз, ёшларга оид анжуманларда, турли тадбирларда учратиб қоламиз. Камига у бешта китобни таржима қилиб, китобхонларга тақдим қилган. Яқинда эса ижодкорнинг "Биз галаба қозонамиз" номли илк муаллифлик китобининг тақдими муваффақиятли ўтди. Эътиборингизга у билан уюштирилган суҳбатни ҳавола қиламиз.

4-бет ▶

### ▶ ШАХСИЙ ФИКР


## ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАҚДИРИ КИМЛАРНИНГ ҚЎЛИДА?

Жамиятимизда муайян даражада ошкоралик руҳи кириб келиши билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётимиздаги реал ҳолатлар, камчиликлар, хатолар тилга олина бошланди. Мамлакат раҳбарияти томонидан муаммоларнинг баралла айтилиши ортдан кўпчилигимиз уларнинг сабаблари тўғрисида баҳс-мунозараларга киришиб кетдик. Аён бўлдики, давлатнинг кўплаб органлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажармаган. Айни пайтда вазиятни тўғри англаган ҳолда тараққиётимиз ёки иқтисодий ривожланишимиз бевосита инновацион иқтисодиётни барпо этиш билан боғлиқлиги тан олинди. Хўш, инновацион иқтисодга асосланган ривожланиш нима?


Инновацион иқтисод, энг аввало, билимга, интеллек-

туал салоҳиятга, инсон капиталига асосланган, фан ва техникани доимий равишда янгиланишини кўзда тутовчи, янги ғояларни, инновациялар оқимининг тўхтовсиз кириб келишини рағбатлантирувчи, технологияларни мунтазам такомиллаштиришни назарда тутадиган иқтисоддир. Замонавий дунёда айнан инновацион иқтисодга асосланган ривожланиш асосий тенденцияга айланди. Биз ҳам шу йўлдан кетишни мақсад қилганимиз тўғри стратегиядир. Аммо ниятимизнинг яхши бўлганлиги, қарорнинг тўғри қабул қилинганлиги масаланинг бир томони бўлса, иккинчи тарафи эса мақсадимизни қай тариқа амалга оширишимиздадир.

8-9-бетлар ▶



11-бет ▶



# СИФАТСИЗ ИНТЕРНЕТ УЧУН ПРОВАЙДЕР ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июл кuni Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ушбу тарихий сана билан Қозғоғистон халқи ва Президент Нурсултон Назарбоевни самимий табриклади. Ташриф доирасида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди. Музокарада икки мамлакат ҳамкорлигининг истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама қилинди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июл кuni мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда атом электр станциясини қуриш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий-техник ва амалий ишлар муҳокама қилинди.**

► **Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июл кuni Мўғулистон Президенти Халтмаагийн Баттулгани миллий байрам — Халқ революцияси кuni билан табриклади.**

► **Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонасида хоризжда яшаётган ватандошлар билан Ўзбекистоннинг қисқа фурсатларда халқаро капитал бозорига чиқиш имкониятлари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган мулоқот ташкил этилди. Хориздаги ватандошлар Ўзбекистон иқтисодий секторига ҳужжатлар ва шартномаларни тайёрлашда норасмий маслаҳатчи сифатида иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.**

► **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

► **Нукус халқаро аэропортида соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги йўловчи терминали иш бошлади.**

► **Дунёга машҳур "Lonely Planet" журналда "Осиёдаги саёҳат учун энг мақбул жойлар рейтингини" эълон қилинди. Ўзбекистон илк бор ушбу рўйхатга киритилиб, Жанубий Кореядан кейин иккинчи ўринни эгаллади.**

Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан, интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур ҳужжатга асосан маълумотлар узатиш тармоғи орқали маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг қуйидаги турлари тақдим этилиши мумкин:

“**Маълумотлар узатиш тармоғида юзага келган шикастланишлар шартномада белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, оператор, провайдер абонентнинг талабига кўра шартномада белгиланган миқдорда жарима (пеня) тўлайди.**”

- маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланиш (турли стандартлар бўйича), трафик транзити, шунингдек, маълумотлар узатишнинг халқаро тармоқларидан, жумладан, интернетдан фойдаланиш;
  - реал вақтда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш;
  - электрон хабарлар қабул қилиш ва узатиш (шу жумладан, электрон почта);
  - конфиденциал ахборотни криптографик ва бошқа-ча муҳофаза қилиш;
  - кичик (қуйи) тармоқ ажратиш;
  - домен ва домен номлари тизимини рўйхатга олиш ва олиб бориш;
  - IP-манзил ажратиш ва тўтиб туриш;
  - IP-телефония ва IP-телевидение (IPTV);
  - хостинг хизматлари.
- Қоидаларга асосан, Wi-Fi хизмати ташкилотчиси чекланган доирадаги фойдаланувчиларга пулсиз ёки пуллик асосда Wi-Fi хизматлари кўрсатиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг чекланган доирасини аниқлаш шартлари Wi-Fi хизмати ташкилотчиси томонидан белгиланади.
- Қоидаларга мувофиқ, Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда мавжуд конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм гоёларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адо-



ват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши лозим.

Истеъмолчи маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш муддатлари бузилганда, шунингдек, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сифати шартнома шартларида белгиланганидан паст даражада бўлганида қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- камчиликларини бепул бартараф этиш;
  - оператор ёки провайдер билан келишув бўйича маълумотлар узатиш тармоғи хизмати кўрсатилиши мумкин бўлган янги муддатни белгилаш;
  - маълумотлар узатиш тармоғи хизматининг нархини қайта ҳисоблашни талаб қилиш.
- Маълумотлар узатиш тармоғида юзага келган шикастланишлар шартномада белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, оператор, провайдер абонентнинг талабига кўра шартномада белгиланган миқдорда жарима (пеня) тўлайди.
- Оператор, провайдер томонидан жарима (пеня) тўлан-

ганлиги уларни шартнома бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

Оператор, провайдер, Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ихтиёрида бўлмаган маълумотлар узатиш тармоғининг ресурслари, серверлари ва сетменлари мазмуни, улардан фойдаланиш имконияти ва ишлаш қобилияти учун жавобгар бўлмайди.

Қуйидаги маълумотлар оператор ёки провайдер томонидан абонентнинг сўровига мувофиқ 24 соат мобайнида ҳеч қандай чекловларсиз тақдим этилиши шарт:

- маълумотлар узатиш тармоғининг кўрсатилганидан хизматлари тўғрисидаги;
- маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланиш хизматларига бўлган тарифлар тўғрисидаги;
- абонентга унинг шахсий ҳисобварағи ҳолати ва маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш ҳақини тўлаш бўйича қарздорлик тўғрисидаги, жумладан, абонентга уланган хизматлар: маълумотлар узатиш вақти, тезлиги, олинган ва (ёки) узатилган ахборот ҳажми, шунингдек, лимитланган трафикли тарифлардаги трафик қолдиги тўғрисидаги;
- техник носозликлар тўғрисидаги.

## ► ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

### ЯГОНА ПОРТАЛ ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАР СОНИ БИТТАГА КЎПАЙДИ

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияни бериш хизмати ишга туширилди.

Хизмат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги "Автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 408-қарори асосида ишга туширилган.

Мазкур хизмат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан кўрсатилади.

Хизмат билан батафсил ягона порталда танишиш мумкин.

## ► ОНЛАЙНДА ҚУЛАЙЛИК

### ЭЛЕКТРОН КИРИШ ВИЗАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТИЗИМИ ИШГА ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб интернет тармоғининг <https://e-visa.gov.uz> манзилларида электрон кириш визаларини тақдим этишга мўлжалланган тизим синов режимда ишга туширилди.

Мазкур тизимни ишга туширишдан кўзланган бош мақсад мамлакатимизга кириш

визаларини расмийлаштириш ва бериш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишдан иборат. Натижада, унинг ёрдамида юртимизга ташриф буюриш истагида бўлганлар онлайн усулда сўровномаларни тўлдириб, ҳужжатларни тақдим этиб, визани қўлга кириштиришлари мумкин. Бу жараёнларда улардан Ўзбекистоннинг хориздаги дипломатик корпус ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармаларига бориш талаб қилинмайди.

## "NCG ENGINEERING" КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИ АКТ ВАЗИРЛИГИГА ТАШРИФ БУЮРДИ



11 июл куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Корея Республикасининг "NCG Engineering" компанияси раҳбари, "Eupabit" МЧЖ ҚК таъсисчиси Жанг Ил Квон билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда томонлар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион ҳамкорлик юзасидан фикр алмашди. Хусусан, "NCG Engineering" компанияси Ўзбекистонда реестр тақсими, яъни блокчейн технологиясини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликка тайёр эканини маълум қилди.

Томонлар тез орада вазирлик мутахассислари, ўзбекистонлик қизиқиш билдирган экспертлар иштирокида тақдимотларни ташкил қилишга келишиб олдилар.

## UZCARD СТАТИСТИКАСИ: 2018 ЙИЛНИНГ II ЧОРАК НАТИЖАЛАРИ

Ягона умумреспублика процессинг маркази маълумотларига кўра, 2018 йилнинг II чорагида Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган "e-commerce" транзакциялар сонидан I чорак кўрсаткичлари билан таққосланганда ўсиш кузатилди.

Жорий йилнинг II чорагида "e-commerce" транзакциялар сони 71,4 млн.ни ташкил этиб, 2018 йилнинг ўтган I чорагидаги 70,8 млн.лик ҳолатга нисбатан 0,9 фоизлик ўсишни қайд этди.

Иккинчи чоракада электрон тижорат бўйича амалга оширилган транзакцияларнинг жами миқдори 872,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг I чорагида қайд этилган 663,5 млрд. сўмга нисбатан 31,5 фоизга ўсган.

Муомалага чиқарилган пластик карталарнинг умумий сони бўйича берилган маълумотга кўра, II чоракада 813 831та пластик карта сўмга муомалага чиқарилиб, жорий йилнинг I чорагида қайд этилган 855 588тага нисбатан 4,9 фоизлик пасайиш кузатилган.

Умумий кўрсаткичларни ҳисобга олганда, муомалага чиқарилган пластик карталар сони бўйича "Халқ банки" 180 374талик кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринда "Агробанк" 129 667та ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Миллий банки" 79 776талик кўрсаткич билан учинчи ўринни эгаллади.

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК ХАЛҚАРО ТРАНЗИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА "ҚОЗОҚТЕЛЕКОМ" АЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 9 июл куни "Қозоқтелеком" АЖ бошқаруви раиси Қуванишбек Эсекеев бошчилигидаги делегация Тошкентга келди ва "Ўзбектелеком" АК бош директори Фарҳод Рўзиев билан учрашди. Бу ҳақда компания матбуот хизмати хабар берди.

Томонлар инфокоммуникация бозоридаги иккита асосий хизмат кўрсатувчини умумий мувофиқлаштириш мақсадида инфратузилмани ривожлантириш бўйича режалари билан алмашди.

"Ўзбектелеком" АК Марказий Осиё, Европа ва Хитой давлатлари ўртасида халқаро транзитни ривожлантириш учун "Қозоқтелеком" АЖни стратегик ҳамкор сифатида кўрмоқда.

Учрашув доирасида томонлар SmartCity лойиҳаларини амалга ошириш, IoT (нарсалар интернет) базаси асосида маҳсулотларни биргаликда ривожлантириш каби янги бизнес соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида келишиб олдилар.



## GERMANYALIK MUTAХASSIS INNOVACIYA VAZIRIGA URINBOSAR ETIB TAYINLANDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Германия фуқароси Карстен Ҳайнс Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазири ўринбосари лавозимига тайинланди.



Ўзбекистонда замонавий инновацион инфратузилмаларни шакллантиришда Германиянинг бой тажрибасини жорий этиш мақсадида республика-

нинг ГФРдаги элчихонаси ташаббуси билан Таълим ва илмий тадқиқотлар федерал вазирлиги билан қатор музокаралар олиб борилди ва улар якунлари бўйича немис томони Инновация вазирлиги билан ишлаш учун эксперт юборишга розилик билдирди.

Вазир ўринбосари лавозимига бевосита ушбу вазирликда фаолият олиб борувчи тажрибали мутахассис тавсия қилинди. Карстен Ҳайнс Тошкентда бўлиб, Ўзбекистоннинг ваколатли вазирликларида учрашувлар ўтказган.

Германия ҳукумати учун давлат хизматчисининг бошқа мамлакат ҳукуматида юқори лавозимга тайинланиши биринчи шу каби ҳолат бўлди. Мазкур қарор Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнини қўллаб-қувватлашга қаратилган.


## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ БИРОЗ ОШДИ

"Speedtest Global Index" ҳар ой дунё бўйлаб симсиз ва симли интернет тезлиги рейтингини эълон қилиб боради. Ушбу рейтингга кўра, июн ойида Ўзбекистондаги мобил интернет тезлиги ҳамон 124 давлат орасидан 113-уриндалигича қолмоқда (8,95 Мбит/с).

Симли интернет тезлиги бўйича эса Ўзбекистон бир ўринга юқорилаган ва 7,10 Мбит/с тезлик билан 133та давлат орасида 126-уринни эгаллаган.

Энг сўнги ўринларни мобил интернет бўйича Афғонистон (6,14), Тожикистон (5,13), Ливия (4,62), симли интернет бўйича эса Мозамбик (5,71), Венесуэла (3,96) ва Жазоир (3,86) эгаллаган.

Энг юқори тезлик эса мобил интернет бўйича Қатарда (63,22), симли интернет бўйича эса Сингапурда (180,57) қайд этилган.



## ВАЛЮТАНИ МОБИЛ ДАСТУРЛАР ОРҚАЛИ АЙИРБОШЛАШ МУМКИН БЎЛАДИ

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Низом билан резидент жисмоний шахсларга тижорат банкининг махсус дастуридан фойдаланган ҳолда чет эл валютасини сотиб олиш, сотиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа операцияларни



амалга ошириш имконияти берилмоқда.

Бунда резидент жисмоний

шахслар махсус дастурни компютер қурилмасига (шу жумладан, планшет, мобил телефон ва бошқа қурилмалар) юклаб олади ҳамда ундан фойдаланади.

Тижорат банкининг махсус дастурдан фойдаланган ҳолда валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишлари учун жисмоний шахс номига банк картаси ва халқаро тўлов картаси очилган бўлиши лозим.

# Шухрат САТТОРОВ: МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЯГОНА ФОРМУЛАСИ ЙЎҚ бирок уни юзага келтирадиган зарур омиллар бор

◀1-бет.

Машхур ибора бор: “Йигирманчи асрда ҳарф танимаслик уят бўлган бўлса, ҳозирги асрда ахборот технологияларидан фойдалана олмаслик айб”.

— Шухратбек, яқинда сизнинг “Биз галаба қозонамиз” номли китобингиз нашрдан чиқди. Унда муваффақиятга эришган замондошларимиз ҳаёти, уларнинг дунёқарашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзи муваффақиятнинг ягона формуласи борми?

— Ҳатто янтоқ ҳам гуллайди: ижодкор ҳам кун келиб ичнда йиллар давомида пишиб етилган кечинмаларини бошқалар билан ўртоқлашгиси келади. “Биз галаба қозонамиз” китоби — чорлов. Халқимиз, юртдошларимизга қаратилган чорлов. Унинг асосий мақсади ҳар бир юртдошимизга ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур тавсияларни бериш.

Бизнинг истиқболимиз орудларимизнинг кўлами, даражаси билан белгиланади. Шундай экан, ҳар биримиз бола бўлганимизда учувчи бўлишни орзу қиламиз. Йиллар ўтиб эса бу орзунинг хомхаёл эканини ўйлаб қоламиз. Мантқан олганда биз орқага чекиндик ва яхши ҳаётга интилиш ҳисси бизда камайди. Барчамиз ҳам, ҳаракат ва интилиш, меҳнат ва катта мақсадларни забт этиш учун зарур ва биз доим ҳам эътибор қилмайдиган майда омилларни билмаймиз. Муваффақиятга эришиш инсоннинг ўтмиши эмас, орзулари билан боғлиқ. Бу китоб орқали ҳар бир инсонга шу ҳақиқатни эслатиб қўйишга уриндим.

Муваффақиятнинг ягона формуласини айтиш қийин, бирок уни юзага келтирадиган зарур омиллар бор. Жумладан, юксак орзулар ортдан қатъий бориш, муносиб феъл-атворга эга бўлиш, илмга чанқоқлик, ижодий фикрлаш.

— Бухоро фарзандисиз, пойтахтда қолишингизга нима сабаб бўлган?

— Болалигимда қишлоғимиздан Бухоро шаҳри элас-элас кўринар эди: Менга у ерлар имкониятлар макони бўлиб туюлар эди. Мен доим атрофимдаги имкониятсизлик қобинини синдиришга уриниб келганман. Доим шаҳарга боргим, у ерда таҳсил олгим келарди.

Қишлоғимизда бир нуруний отахон бўлар эди. Шу киши доим “Болаларим, шаҳарга боринг. Шаҳарда илм бор, шаҳарда им-



кониятлар бор, шаҳарга шошинг”, деб айтар эди.

Йиллар ўтиб, ўзим истаган шаҳардан ҳам каттароқ шаҳарга келдим, таълим олдим. Менинг орзуларим, мақсадларим шу шаҳардан бўлак шаҳарга ситмас эди. Орзуларимни, режаларимни амалга ошириш учун ҳам Тошкентда қолишга қарор қилдим.

Менда хорижга кетиш учун доим имкон бўлган: тил билишим, хорижда таҳсил олганман. Бирок, орзуларимнинг бир қисми шу элга, Ватанга хизмат қилиш билан ҳам боғлиқ. Мен ҳануз ана шу истаklar ортдан бораётман.

— Ҳаётда шнорингизни биланмиз ва буни нима учун таллагансиз?

— “Ким нени изласа, топгай бегумон...” Бу ҳикматли сўз мен учун ҳам таскин, ҳам илҳомбахш чорлов. Бугун биз яшаётган дунё, имкониятлар инсон ҳаёлида туғилган қараш ва тасаввурларнинг меваси. Аслида Яратган инсонларга Ерни барча имкониятлар билан тортиқ қилган. Шарқ ҳикматлари орасида “ўзини англаган авлиё бўлади” деган сўз бор. Ҳаётда излаганингни топшинг учун, аввал ўзингни англашга мажбурсан.

— Мана бир неча йилларки, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритяпсиз. Бу йўналишда нималар топдингиз ёки йўқотдингиз?

— Мен доим ижоддан узоқлашишдан кўрқиб яшаганман. Ус-тозларим ҳам ижод оламида бўлишимни тавсия қилишган. Соҳага қирар маҳалим ҳам мени ташвишга солган муҳим масала шу бўлган. Ижод ва ахборот технологиялари соҳаси менга бир-бирига зид жабҳалар бўлиб кўринган. Бирок, айна пайтда уларни уйғунлаштира олдим.

Ижод ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Яқинда ўзбек адабларининг классик ҳикояларини инглиз тилига

ўйирганим “Pomegranate” номли китоб нашрдан чиқди. Мақола ва блогларим билан чиқишлар қилипман, курсатувлар ва лавҳалар қилипмиз. Айтмоқчиманки, ижоддан йироқлашиб кетганим йўқ.

— Ахборот технологиялари соҳасидаги фаолиятингиз давомида соҳа тўғрисида қандай хулоса, қарашларга келдингиз?

— Ахборот технологиялари соҳаси доимо мени ўзига жалб қилган йўналишлардан бири бўлиб келган. Шу сабабдан бўлса керак, халқаро журналистика факултетида ҳам бакалаврлик ишим оммавий ахборот воситалари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўлган. Бир неча йиллар аввал ўтказила бошланган Миллий интернет танлови лойиҳаси доирасидаги ҳамкорликдан сўнг мени соҳага ишга таклиф қилишган.

Янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиш, уларни тайёрлаш ва тарқатишда шу соҳада фаолият олиб бораётганим кўл келади. Машхур ибора бор: “Йигирманчи асрда ҳарф танимаслик уят бўлган бўлса, ҳозирги асрда ахборот технологияларидан фойдалана олмаслик айб”. Бу фикрга қисман кўшилиман. Зеро, ахборот технологияларидан фаол фойдаланишнинг фуқаро учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали жиҳатлари кўп.

Соҳада жамоатчилик билан ишлашнинг машаққат ва яхши жиҳатлари бор. Мисол учун, ўз вақтида ўзинг фаолият олиб бораётган ташкилот қиёфасини ҳимоя қила олиш — юксак маҳоратни талаб қилса, мунтазам англиклар гирдобида бўлиш ва уларни биринчилардан бўлиб синаб қуриш, ўқиб-ўрганиш — куч бағишлайди.

Ахборот технологиялари ва интернет бизнинг турмуш тарзини мунтазам ўзгартирмакда: дунёқарашимизнинг бойиши, масофа танламас ўзаро ҳамкорлик,

боҳабарлик ҳаётимизнинг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Яратувчанлик. Ижодий ёндашув ҳамда ўз иқтидорингни намойиш қила олиш муҳити — тараққиётнинг бош омили. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳар биримизга ўз салоҳиятимизни юзага чиқаришга ёрдам беради. Компютерда дастур ёзинг, асар ёзинг, сурат чизинг ёки куй басталанг, тил ўрганинг — буларнинг бари замонавий имконият.

“Технология” сўзи юнон тилида “маҳорат дари” деган маънони англатади. Бугунги кунда эса бу сўзнинг аҳамияти ахборот технологиялари билан чамбарчас боғланади.

— Режасиз иш бўлмайди. Эшитишимизча, Кореяга отланяпсиз экан?..

— Бу йил KOICA ташкилотининг грантини қўлга киритишга муваффақ бўлдим. Мен доим Корея Республикасида “SKY”, яъни “осмон” университетларидан бири сифатида тилга олинган Yonsei university ҳақида кўп ўқир ва гапирар, ҳатто ич-ичимдан шу ерда билим олишни истар эдим. Орзу ва интилиш иш берди. Осмоннинг энг пешқадам университетларидан бири бўлган Ёнсей университетига жамиятни ривожлантириш йўналишида икки йил мобайнида таҳсил оламан. Бош мақсад — Кореяга жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига ёрдам берган омилларни яқиндан ўрганиш. Умид қиламанки, бу режа ва саъй-ҳаракатларим истиқболда халқимиз ҳаётини янада яхшилаш ва юртимизни ривожлантиришга ёрдам беради.

— Орзу ва истаklarингиз амалга ошсин.

— Ташаккур!

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
суҳбатлашди

## МАЪЛУМОТ:

Шухрат САТТОРОВ 1985 йили Бухоро вилоятининг Талиморон қишлоғида туғилган. Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика, Пуна университетининг Mass communication (оммавий алоқалар) факултетида таҳсил олган. Журналист, таржимон. “Ҳақиқатнинг оддий сўзлари”, “Юнон донишмандлари”, “Портобелло жодугари”, “Муносиб ҳаёт формуласи” каби китобларни ўзбек тилига таржима қилган. Яқинда унинг таржимонлигида XX аср ўзбек адабларининг ҳикояларидан иборат жамланма инглиз тилида чоп қилинди. “Биз галаба қозонамиз” ижодкорнинг илк муаллифлик китоби.

# "ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ" ФИЛИАЛИДА ЭНДИ ТИЗИМ ЎЧМАЙДИ

Замонавий ахборот технологияларини қўллаш албатта энергетика билан боғлиқ жараён. Электр токи узилаверса, қурилмалар ҳам "танафус" билан ишлайди. Дейлик, ахборотларни ўз вақтида олиш иложсиз бўлиб қолади ёки электрон тизимларнинг доимий ишлашини таъминлаш муаммоси пайдо бўлади.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ "Халқаро почтамт" филиали ўз электрон тизимига эга. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларга қулайликлар яратишда шу тизимдан фойдаланилади. Масалан, тизим орқали жўнат-

малар электрон рўйхатдан ўтказилади ёки уларнинг қаердалигини назорат қилиш, кузатиш имкониятлари бор. Табиийки, мана шу тизимнинг раён ишлаб туриши учун электр токи ҳам раён бўлиши керак. Чунки бу тизим юқори қувватли серверларга жойлаштирилган.

Маълумки, хостингларга жойлаштирилса тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш қийинлашади ёки хавфсизлик умуман таъминланмаслиги мумкин. Шу мезондан келиб чиқиб, "Халқаро почтамт" тизими ўз сервер компютерларига

жойлаштирилган. Лекин айрим ҳолларда энергиядаги муаммолар сабаб тизимнинг ишлаш жараёнида узилишлар кўзга ташланиб турарди.

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида "Халқаро почтамт" филиалига қуввати 1,5 ва 1 кВт бўлган, қайта тикланувчи аккумулятори сизими 90 А/с.га тенг икки дона қурилмани жорий қилиш учун тақдим этди.

Бу қурилмалар келтирилиши билан почтамт электрон тизими барқарор ишлаш бошлади,

энергия таъминотидаги муаммо ўз-ўзидан йўқолди.

Айтиш керакки, мамлакатимиз инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўрғазмаларида бир неча бор намойиш этилган мазкур қурилмалар Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан мунтазам такомиллаштириб борилди. Шу меҳнатлар самараси ўлароқ, масалан, энди бу қурилмалар аккумулятордан ташқари, қуёш фотозелетрик панеллари ёрдамида ҳам ишлай олади.

## ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯЛАР: АРЗОН ВА ИШОНЧЛИ

Инновацион ишланмалар ёки робототехника қурилмалари бугунги кунда ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Мазкур қурилмаларнинг асосини микропроцессор ва микроконтроллерлар ташкил этади.

Умуман олганда, замонавий электроникада микроконтроллерларнинг ўрни беқиёсдир. Сабаби, мазкур элемент орқали бошқариш, ўлчаш, ахборотларни қайта ишлаш ёки узатиш мумкин. Хонадонимиздаги маиший техникаларнинг ҳар бири мазкур элементлар орқали бошқарилмоқда.

Ўз ўрнида савол туғилади: бундай элемент билан ишлашнинг ўрни қандай бўлади?

Бу элементларни ўрганишнинг икки йўли бор: реаллик ва виртуал тизимлар.

Реал ўрганиш жараёни учун айрим қурилмалар керак бўлгани боис кўплаб талаба, ўқувчилар уларни ўрганишда қийналишади. Лекин виртуал тизимлар орқали бундай муаммоларни бартараф этиш мумкин. Шунинг билан бирга, мазкур тизимларда ишлаш орқали қўшимча қурилмаларни сотиб олиш зарурияти туғилмайди. Мисол учун: осциллограф, вольтметр, амперметр, мантикий анализатор ва бошқалар керак бўлмайди. Мазкур қурилмалар реалликка яқинлаштирилган бўлиб, ўрганувчилар учун жуда қулай.

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан виртуал тарзда ўрганиш учун микроконтроллер асосида лабораториялар мажмуаси ишлаб чиқилган. Бу мажмуа орқали ҳар қандай ўрганувчи етарлича бошланғич билимларга эга бўлиши мумкин. Лаборатория мажмуаси 20дан ортиқ ишланмани ўз ичига олган. Уларда ўрганувчилар учун муҳим бошланғич тушунчалар берилган. Масалан, бунда сиз С дастурлаш тили ҳақида тушунчага эга бўласиз.

Ҳозирги кунда ўқув жараёни учун амалий лабораторияларни сотиб олиш ёки уларни ўрнатиш анча мушкул масала. Виртуал тизимлар орқали эса бундай лабораторияларни жорий қилишда муаммолар йўқ, шунинг баробарида улар анча хавфсиз тизимдир.

Коллежларда виртуал тизимни қўллаб, ўқув жараёнида янада такомиллаштирса бўлади. Шуларни ҳисобга олган Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти Урганч ахборот технологиялари, Иштихон ахборот технологиялари, Жомбой информатика ва хизмат кўрсатиш, Нукус компютер ва ахборот технологиялари, Жиззах транспорт, алоқа касб-хунар, Самарқанда ахборот-коммуникация технологиялари, Арнасай информатик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар, Урганч политехника ва компютер технологиялари, Зарбдор ахборот технологиялари касб-хунар коллежларида мазкур тизимни жорий қилди.

Хайрулла ҚУЛМАТОВ



## ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Электромангнит мослашув маркази" давлат унитар корхонасининг "Оқтош" дам олиш масканида ахборот-ресурс маркази ҳамда маънавият ва маърифат хонаси ўз фаолиятини бошлади.

Бу ерда болалар, ўсмирлар ва катта ёшдаги дам олувчиларга мўлжалланган ўзбек ва рус тилларидаги 400 нусхадан

ортиқ бадий адабиётлар ўрин олган.

Ахборот-ресурс марказини ташкил этишда "ЭМММ" ДУК раҳбарияти ҳамда корхонанинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими Дилфуза Тўйчиева, дам олиш масканининг ташкилий ишлар бўйича администратори Рустам Инагомовларнинг хизматлари катта.

— Бу имкониятдан мамнунмиз, — дейишди биз билан суҳ-

батда меҳнат фахрийлари Зоҳиджон Аҳмедов ҳамда Равшан Шодмоновлар. — Янгиликлардан хабардор бўлиш учун "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Ишонч", "Xabar" ва бошқа шу қаби газета ва журналларни ўқиямиз, бадий адабиётлардан баҳраманд бўлямиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

## АЗИМ АХМЕДХАДЖАЕВ ИЗБРАН НА ДОЛЖНОСТЬ ПРЕЗИДЕНТА ФЕДЕРАЦИИ АВТОМОБИЛЬНОГО СПОРТА



В Национальном Олимпийском комитете Азим Ахмедхаджаев избран на должность президента Федерации автомобильного спорта Узбекистана. Ранее этот пост занимал Сидиков Ботирходжа.

Федерация автомобильного спорта осуществляет свою деятельность с 2004 года. Ее цель — популяризация этого вида спорта среди населения посредством организации соревнований по картингу, ралли, автокроссу и др.

### КУРСОМ РЕФОРМ

## НОВЫЙ ФОРМАТ СОТРУДНИЧЕСТВА UZTELECOM

Открытый диалог — пожалуй, самый верный способ достичь желаемого результата. Особенно когда речь идет об улучшении взаимодействия с партнерами и, как следствие, качества обслуживания абонентов.

Поговорить о стратегии АК «Узбектелеком» в сегменте B2O собрались топ-менеджеры компании, операторы и провайдеры телекоммуникационных услуг страны. Неформальная встреча под знакомым названием «Новый формат сотрудничества» состоялась 5 июля, в Коворкинг центре GroundZero.

В числе основных вопросов, интересовавших участников — налаживание прозрачности и оперативного взаимодействия между партнерами, организация единой технической поддержки, оптимизация стоимости интернет-каналов и IP-транспорта.



Генеральный директор АК «Узбектелеком» Фарход Рузиев рассказал о реструктуризации АК «Узбектелеком» и создании отдельной дирекции B2O, специалисты которой будут компетентны решать вопросы, касающиеся сотрудничества с партнерами, и в кратчайшие сроки.

До конца 2018 года планируется поэтапно снизить стоимость интернет-канала и оперативно увеличить существующие емкости. Вместе с тем, в задачи «минимум» входит пересмотр прейскуранта в сторону снижения тарифов на аренду каналов.

Для операторов и провайдеров будет предложена франчайзинговая модель партнерства по развитию ШПД.

Как прозвучало на встрече, будут пересмотрены тарифы и разработан единый регламент по аренде инфраструктуры АК «Узбектелеком». Будет также полностью пересмотрена политика предоставления в аренду портов широкополосного доступа в интернет.

Отрадно то, что провайдеры и операторы связи также нацелены на обновленный формат результативного сотрудничества с АК «Узбектелеком», о чем не раз говорилось на прошедшей встрече.

### СОТРУДНИЧЕСТВО

## MUIC СОЗДАЕТ IT-СООБЩЕСТВО УЗБЕКИСТАНА

Mirzo Ulugbek Innovation Center объявил о новой инициативе по сближению компаний-резидентов и созданию на базе центра профессионального сообщества, без которого невозможно представить развитие IT-экосистемы в масштабах города и страны.

Под инициативой подразумевается серия неформальных встреч в компаниях, которые помогут резидентам быть в курсе того, что происходит у коллег по MUIC, ознакомиться с рабочими процессами. Проводиться они будут на постоянной основе.

## УЗБЕКСКИЕ СПЕЦИАЛИСТЫ ИЗУЧАЮТ КОРЕЙСКИЙ ОПЫТ ПО СОЗДАНИЮ ЭЛЕКТРОННОЙ БИБЛИОТЕКИ


В рамках реализации проекта «Национальная общеобразовательная электронная библиотека» Корейская компания LG CNS организовала семинар-тренинг в Корею, в ходе которого сотрудники Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, УзАПИ и Мининфокома ознакомятся с корейским опытом по созданию и введению электронной библиотеки. Семинар-тренинг проходит с 9 по 22 июля 2018 года.

В ходе тренинга участники прослушают лекции о разработках цифровых технологий и электронной библиотеки, управлении электронной библиотекой, маркетинге информационных услуг и библиотек и др. Также участники ознакомятся с деятельностью Национальной библиотеки и архива Кореи, а также Центральной библиотеки Университета Ёнсе.

Проект «Национальная общеобразовательная электронная библиотека» реализуется в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 17 декабря 2013 г. при финансовом сотрудничестве с Фондом экономического развития и сотрудничества Республики Корея.

Создание электронного контента на базе библиотечного фонда, его отображение в справочно-библиографическом аппарате библиотеки, поддержка технологии доступа и обеспечения сохранности — важное направление деятельности библиотеки, требующее качественно нового подхода к оценке библиотечного фонда и возможностей его использования.

В рамках реализации проекта при Национальной библиотеке Узбекистана имени Алишера Навои ведется работа по созданию Центра сканирования и оцифровки информационных ресурсов, а также Центра мультимедийных информационных ресурсов, которые будут оснащены листовыми и планетарными сканерами, цветным книжным сканером для работ с раритетными изданиями библиотечного фонда. Проект, общая стоимость которого составляет 11,4 млн. долларов США, реализуется за счет инвестиционных средств Эксимбанка Республики Корея.



## ПРЕДСТАВИТЕЛИ СМИ СМОГУТ ПРИСУТСТВОВАТЬ ВО ВРЕМЯ ПРОВЕДЕНИЯ ВСТУПИТЕЛЬНЫХ ЭКЗАМЕНОВ В IUT

Представители средств массовой информации получили возможность принять участие во вступительных экзаменах в Университет ИНХА в г.Ташкенте (IUT), который пройдут 19 и 20 июля 2018 года.

В целях обеспечения полной прозрачности во время проведения вступительных экзаменов, руководством IUT было принято решение о приглашении журналистов на вступительные экзамены.

Все желающие журналисты смогут лично присутствовать во время проведения вступительных экзаменов в IUT, а также получат данные по приёму на 2018-2019 учебный год.

Подготовила М.МИРКАМОЛОВА

# УКРАИНАЛИК ФРИЛАНСЕР ИШ ТАЖРИБАСИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИ

Фрилансерлар битта компанияда ёки лойиҳада ишлашни истамайдиган эркин IT-мутахассислар бўлиб, буюртмаларни қабул қилишади ҳамда масофадан туриб турли хизматларни кўрсатишади.

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети (IUT)да "Silicon Valley Talks" ташаббуси билан маърузалар тадбири бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ёш мутахассислар "Кремний водийси" вакилларининг тажрибасини ўрганишди.

"Openbucks" корпорацияси таъсисчиси ва бош директори Марк Рочман маъруза иштирокчиларини қутлади ҳамда катта тажрибага эга бўлган IT-мутахассис — украиналик Назар Иваненконни таништирди. Н.Иваненко "Openbucks" жамоасининг аъзоси ҳисобланади ҳамда компанияда аутсорсинг учун жавоб беради.

Шунингдек, у Украинадаги "Openbucks" офисининг раҳбари ҳисобланади.

Назар Иваненко онлайн маъруза давомида ўзбекистонлик ёш мутахассисларга турли компаниялар, жумладан, "Кремний водийси"даги компаниялар учун фрилансер сифатидаги иш тажрибаси билан ўртоқлашди. Хусусан, у инсон ўзини қандай қилиб ишга рағбатлантириши кераклиги тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, у "Silicon Valley Talks" маърузаси иштирокчилари ҳамда талабаларнинг саволларига жавоб берди.

Фрилансерлар битта компанияда ёки лойиҳада ишлашни истамайдиган эркин IT-мутахассислар бўлиб, буюртмаларни қабул қилишади ҳамда масофадан туриб турли хиз-



матларни кўрсатишади.

Эслатиб ўтамиз, 2017 йил сентябр ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи доирасида IUT ва АҚШнинг "Openbucks" корпорацияси ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланган эдилар. Меморандум доирасида IUT ва "Openbucks" IT-таълим соҳа-

сида ҳамкорлик қилишни режалаштирган. Жумладан, томонлар "Silicon Valley Talks" шаклидаги стартаплар ва инновацион лойиҳаларни ривожлантириш мақсадида маърузалар ўқиш ҳамда энг яхши амалиёт ва маълумотлар билан алмашиш учун АҚШнинг етакчи экспертларини таклиф қилишмоқчи.

## МАЪНАВИЯТ

# УНУТИЛАЁТГАН МЕРОС

Кузатувлар натижасида шуни билдимки, аксарият нашриётлар китобларни арзон, аммо вақт ўтиши билан фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келадиган тарзда нашр этишмоқда. Бу ҳам етмагандек баъзи адабиётлар сифатсиз, матнида эса имло хатолар мавжуд.

**Китоб, бу — фикрлаш урули, тафаккур манбаи ва хазиналар қалиги ҳамдир. Китоб ўтмиш ва келажакни бирлаштириб турувчи кўприк, десак ҳам муболага бўлмайди. Чунки азал-азалдан ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, халқимиз урф-одатлари, анъаналари, тарихи ва анъанавий тарбия усуллари ҳам китобларда жамланган ва ўсиб келаётган авлодга мана шу қадриятларимиз уқтириб келинмоқда.**

Афсуски, китоб ўқиш маданияти замонавий технологиялар ривожланган даврда камайиб бормоқда. Ҳозирги техника ва технологиялар асри сабабли босмадан чиқарилган китобни эмас, уни электрон шаклда ўқиш урфга айланиб қолган. Тўғри, қайсидир маънода бу қулай, лекин китобни

қўлга олиб, уни варақлаб ўқишга нима етсин.

Бугунги кунга келиб, ахборот-кутубхона муассасаларида маънавиятни юксалтиришга, китоб ўқиш маданиятини оширишга қаратилган чоратadbирлар кўпаймоқда. Шу сабаб кутубхона фойдаланувчилари сони ҳам, кутубхона фондидаги китоблар айланмаси ҳам ортмоқда.

Баъзида китобхонлар китобни қадрлаш, авайлаб-асраш ҳақида унутиб қўйишади. Кўп сўраладиган адабиётлар аксарият ҳолларда букланган, чизилган ёки шикастланган ҳолда қайтарилмоқда. Боболаримиз китобни нондек азиз деб улуғлагани, биз ҳам ёш авлодга шуни уқтиришимиз лозим. Айрим адабиётлар бебаҳо ҳисобланади. Уларни қайтадан нашр этиб ёки сотиб олиб бўлмайди. Афсуски, китобдан фойдаланишда фақат ёшлар эмас, катталар ҳам хатоликларга йўл қўйишмоқда. Ки-



тоб ўқиладиган бетни чизиб ёки варағини буклаб белгилаб қўйиш кўпинча катталарга одат бўлиб қолган. Китобни ўқиётган китобхонгина эмас, уни ишлаб чиқараётган нашриётлар ҳам қадрлашни билишлари керак, деб ўйлайман. Кузатувлар натижасида шуни билдимки, аксарият нашриётлар китобларни арзон, аммо вақт ўтиши билан фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келадиган тарзда нашр этишмоқда. Бу ҳам етмагандек баъзи адабиёт-

лар сифатсиз, матнида эса имло хатолар мавжуд.

Ортимизда маънавият тушунчаси анча юксак баҳоланади. Китоб эса маънавиятимиз юксалишининг асосий омили. Шундай экан, китобнинг битмас-туганмас бебаҳо сатрларини асраш, унга яхши муносабатда бўлиш ҳар бир инсоннинг бурчи бўлиши керак.

**М.ҲОЖИАКБАРОВА,**  
Тошкент шаҳар "Билим"  
АКМ мутахассиси

## ТАДБИР

# ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Марғилон шаҳридаги янгитдан қад ростлаган "Иждокорлар боғи"да Ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Фестивални Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова очиб, бугунги кунга обод юртимизда ёшларга яратилаётган чексиз имконият ва рағбатлар, хусусан, "Иждокорлар боғи"да қуриб битказилган Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов номидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати хусусида сўз юритди. Эндиликда ўқувчилар она тили ва

адабиёти ҳамда хорижий тиллардан пухта билим ва сабоқларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши. Фестивалда шаҳар ҳокими Мирзоҳид Убайдуллаев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши раиси Умид Фозиловлар юрагида ёшлик шижоати жўш урган иштирокчилар қувончига шерик бўлдилар.

Ёшлар фестивали чинакам шоду хурамлик, кўнгилочар байрамга айланиб кетди. Фестивалга ташриф буюрган ус-

тоз санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, таниқли эстрада хонандалари она-Ватан, тинчлик, дўстлик, истиқлол, озодликни мадҳ этувчи тароналари билан байрам иштирокчиларига хушнудлик улашдилар.

Бу эзгу айёмлар шукуҳи барчамизни бирдек шукроналикка, эртанги ёруғ келажак сари шахдам қадамлар ила одимлашга чорлаши шубҳасиз.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАҚДИРИ

◀ 1-бет.

Биз инновацион ривожланишнинг асосий омилларига эътибор қаратишимиз зарур. Ушбу ўринда марказий бўғинни кадрлар эгаллайди. Ҳар қайси мамлакатда у хоҳ кичик корхоналар ёки йирик корпорациялар миқёсида бўлсин ёхуд давлат даражасида бўлсин, барча ишларнинг натижаси бевосита кадрлар салоҳияти билан боғлиқ. Ҳар қандай техниканинг, технологиянинг, илғор ғояларнинг иштирокчиси, ижодкори бу турли соҳалардаги кадрлардир. Бир сўз билан айтганда, давлатнинг обод бўлиб гуллаб-яшнаши ҳам ёки аксинча харобага айланиши ҳам бевосита кадрларга, хусусан раҳбарларга боғлиқдир.



Ушбу мақолада асосий эътиборимизни ана шу масалага, яъни биздаги кадрлар сиёсатининг реал ҳолатига, давлат тузилмаларида кадрлар билан боғлиқ вазиятларга қаратмоқчимиз. Мавзунинг ёритишда қуйидаги саволларга жавоб излаймиз: Ҳозирги кадрларимиз билан инновацион иқтисодиётни барпо этиб, иқтисодий ривожланишни таъминлай олашимизми? Кадрлар сиёсатининг ҳозирги ҳолати қай даражада? Ижтимоий лифт қай тарзда ишламоқда? Амалдаги кадрларнинг илмий салоҳияти, раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи қандай? Юқори ва қуйи поғона раҳбарлар ўртасидаги муносабатлар қандай таъкил этилган?

Гипотезам шундан иборатки, жорий кадрлар сиёсатининг амалий қўрилиши билан биз инновацион ривожланишни таъминлай олашимиз, ҳуқуқий давлатга ҳос тизимни ҳам барпо этолмаймиз. Шунинг учун кадрлар сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Яқиндагина лойиҳаси эълон қилинган "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонун ва ёшларни раҳбарлик лавозимларига қўтаришга оид қабул қилинган қарор кадрлар сиёсатида ўзгаришларга олиб келиши мумкин, бироқ унинг ҳам бир қатор шартлари мавжуд.

Каминга турли объектив ва субъектив сабабларга кўра кўп жойларда ишлаган мажбур бўлдим. Ҳиндистон ҳукумати-нинг гранти асосида ўқинишни битириб келганимдан сўнг, ёзилмаган қонуларга кўра, биронта ҳам давлат тузилмасига ишга кира олмадим. Иккита имтиёзли дипломим ва етарлича иш тажрибасига эга бўлишимга қарамасдан, икки йил ишсиз юрдим. Соддалик қилиб вазириликлар, банклар берган ёлгон иш вакансияларига ишониб топширган ҳужжатларим натижасиз бўлиб, вақтимни беҳудага соғурди, асабларимни чарчатди. Турли ишга жойлаштириш бўйича тузилган агентликларга топширган резю-

меларим ҳам бефойда бўлди. Кейинчалик Эрон, Ҳиндистон, Исроил, Хитой билан биргаликда тузилган корхоналарда бош бухгалтер вазифаларида ишладим. Яна Жаҳон банки лойиҳасида координатор вазифасида фаолият юритдим. Давлат структурасида, олий таълим тизимида ва шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган давлатлар иштирокидаги корхоналарда ишлаганим учун кадрлар масаласидан, корхоналарда раҳбарият ва ходимлар ўртасидаги муносабатлардан, мансабга қўтарилиш механизмларидан озми-кўпми хабардорман.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қайси давлатда ва ҳар қандай тузумда яхши кадрлар, раҳбарлар бўлган ва бўлади. Мазмурий-буйруқбозликка, тоталитар-авторитар-тузумга асосланган, номенклатура тизими бўлган шўролар даврида ҳам юқори ва қуйи поғоналарда коммунистик ғояларга эътиқоди баланд ва айни бир пайтда илмли, камтарин, ҳалол раҳбарлар бўлган. Ҳеч қачон ҳеч қайси бир замонда ҳамма нарса ёмон бўлиши мумкин эмас. Аммо асосий масала уларнинг ҳиссаси қанчаликда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга қай даражада таъсир кўрсата олишида, бошқа кадрларни рағбатлантира билишида, жамиятни ўзгартиришга кучи етишида.

Мустақиллик йилларида кадрлар сиёсатида, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида анчагина хатоликларга йўл қўйилди. Мансабга қўтарилиш, обрў-эътиборга эга бўлиш кишининг билими, тажрибаси, профессионаллик, ҳалоллиги асосида эмас, балки таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, коррупцияга асосланди. Албатта, кимлардир ўз билими орқали мансабга эришган, аммо уларнинг ҳиссаси ҳеч қанча эмас ва шунинг учун уларнинг статистик тўпламга киритиб, таҳлил қилиб бўлмайди. Ушбу ўринда асосий тенденцияни кўриб чиқамиз. Уша баъзи билимдиларга уларнинг ақли, билими маълум пайтда керак бўлгани учун ҳам мансаб берилган ёки қайсидир бечорага мансаб бериш орқали жамиятга гўёки адолат борлигини кўрсатмоқчи бўлишган.

Ўтган йиллардаги кадрлар сиёсатининг ҳолатидан келиб чиқиб, раҳбар кадрлар, ҳоким ва амалдорлар фаолиятига умумий баҳо берадиган бўлсак, уларда биринчидан, компетентликка оқсоқлик мавжуд, яъни муаммоларни ҳал этишда профессионалик етишмайди, сўз ва иш бирлигига амал қилинмайди, уларнинг сиёсий маданиятлари паст, иккинчидан,

улар чуқур таҳлилий фикрлаш қобилиятига эга эмаслар, учинчидан, уларда лидерлик салоҳияти мавжуд эмас, тўртинчидан, кўпларида совет тизимида шаклланиган коммунистча раҳбарлик элементлари сақланиб қолган. Самимий, тўғри, билимли инсонларнинг фикрларига шубҳа билан қарайдилар ва тегишлича бундай шахсларни раҳбарликка, сиёсатга кириб келишларига қаршилик кўрсатадилар. Обьектив эмаслар, ўз иш фаолиятларида ошана-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчиликка йўл қўядилар, кадрлар танлаётганда ўзларига содиқлик ва шунга ўхшаш ҳолатларга эътибор берадилар. Халқни адолатсиз бошқарадилар, келажак авлод ҳақида қайғурмайдилар, ўзларидан қуйида турувчиларга ва халққа нисбатан нописандлик қилган ҳолда, ўзларидан юқори турувчиларга лаганбардорлик, хушомалғўликни касб этиб олганлар. Энг ачинарлиси, сўнгги ўн йилликларда деярли айрим соҳаларда раҳбарлар қўл остидagi кадрларни ўз мулкларини каби кўрадилар бўлиб қолдилар.

Бир тадқиқот илорасида 4 ойча ишладим. Қуйларнинг бирида хонамга бошқа бўлимда ишлайдиган собиқ талабам бир савол билан келди. Бунини кўриб қолган бўлим бошлиғи менга бақариб, нега менинг рухсатимсиз бошқалар билан гаплашасиз, деб қолди. Ҳайратдан ёқа ушладим. Бу гапни айтган киши яна олимлик мақомига ҳам эга, яъни иқтисод фанлари номзоди. Юзига айтаётганимни айтдимда у ердан бўшаб кетдим. Олдинроқ банкда ишлаганимда департамент директори атрофида икки-учта ҳамкишлоқларини йиғиб олган эди. У ҳамнинг олдида уларга "зем" деб мурожаат қиларди. У ҳам олим эди. Умуман, мустақиллик йилларида энг кўп илмий ишлар ёқданган соҳа иқтисод ва тиббиёт бўлган. Икки соҳадаги реал ҳолат эса барчага аён. Барча иқтисод бўйича фан номзоди ва докторлик илмий даражасини олганлар уларнинг билими, сайъ-ҳаракатлари билан олшган, деб уйлайсизми? Мен бунга катта шубҳа билан қарайман. Албатта, барча жараёнлар қозғола рисоладагидек қилинган ва биз деярли ҳеч кимни илмий ишнинг ўзи ёзмаганликда, пул бериб ёздирилганликда айблай олмаيمиз, чунки бунини исботлаш жуда қийин. Лекин уларни бирма-бир яхшилаб имтиҳон қилсангиз, ҳамма нарса аён бўлиб қоларди.

Олимликни пул ёки бошқа воситалар орқали қўлга киритиш бу ўта виждонсизликдир. Уларга

нима учун керак бўлди номзодлик ёки докторлик даражаси? Уларнинг мақсади иқтисод фанини ривожлантириш эдики? Уларнинг тадқиқотлари ортдан жамиятга биров наф келдими? Улар иқтисодиётимизни ривожлантириш учун илмий иш қилишми? Асло, бундай эмас. Улар шахсий карьералари учун шундай нопок йўлни танлашган. Ўз ишларини билмасликларини бир томон ва яна илмни ҳам расво қилиб олимлик даъвосини қилганликларини ачинарли. Ахир адамчилик, ғиромлик, пора ҳисобига олинган илмий даража билан ҳеч қандай инновацион ривожланиш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда кўпгина соҳаларда тозалашлар бўляпти. Албатта, бу тозалашлар қандайдир гуруҳлар манфаати тўқнашуви эмас, балки коррупцияга қарши реал кураш лётан умидамиз. Акс ҳолда бўлса, ҳеч нарса ўзгармайди. Берилаётган маълумотларга эътибор берсак, айрим мансабдорлар, уларнинг авлодлари жуда ҳам катта миқдорда давлатимиз иқтисодиётига зарар келтирганлар. Кошки эди, улар бирон ўзбек брендини яратиб бойишганида. Улар бирон янгилик яратишди? Инновация учун бирон илтиро қилиб бойини ёки ҳеч бўлмаса, кимдир инновация қилганим деса, қўллаб-қувватладими?

Юқорида таъкидланганидек, ниҳоят кўплаб муаммоларимиз очуқланаяпти. Қанчадан-қанча ёрдамга муҳтож оилалар борлигини, касалманд ва даволанишга маблағи йўқлар, хароба уйда яшайётганлар ҳақида ҳар кунини эшитиб турибмиз. Уларга ўша инсофсиз амалдорлар хоҳ пинҳона бўлсин ёки ошқорча ёрдам беришганими? Улар тайёр ресурсларни сотиш ва халқ ҳисобига бойидилар. Улар учун ҳеч қандай инновация мўҳим эмас.

Мамлакатнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири бу жойлардаги маҳаллий ҳокимият идораларининг фаолиятдир. Маҳаллий ҳокимият бевосита халққа яқин бўлган тузилмадир. Унинг иш фаолияти самараси давлатнинг сиёсати ва маҳаллий ҳокимиятни бевосита бошқарувчи ҳокимият боғлиқ. Ушбу масалада ҳам аҳволини яхши, деб бўлмайди. Ахборот технологиялари ривожланиши ортдан уларнинг кундалик ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборот олиш имкониятига эга бўляпти. Давлат бошқаруви академияси ташкил этилиб, кадрлар тайёрланаётган бўлса-да аксарият ҳокимларнинг ўзларини тутишлари ҳеч ҳам замонавий раҳбарлик тамойилларига мос келмайди. Албатта, бу барчага тегишли эмас.

“  
Ҳеч қачон ҳеч қайси бир замонда ҳамма нарса ёмон бўлиши мумкин эмас. Аммо асосий масала уларнинг ҳиссаси қанчалигида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга қай даражада таъсир кўрсата олишида, бошқа кадрларни рағбатлантира билишида, жамиятни ўзгартиришга кучи етишида.”



# КИМЛАРНИНГ ҚЎЛИДА?

**Иновацияларга асосланган** иқтисодий ривожланиш учун иқтисодий модернизация ва сиёсий модернизацияни уйғунликда олиб боришимиз шарт. Бунда асосий ургун кадрлар сиёсатиغا қаратиш лозим. Давлат хизмати-га ишга олишда "метократия" тамойилини жорий этиш лозим, яъни раҳбарлик лавозимларига тайинлашлар кишининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар унинг билими, тажрибаси, ҳалоллиги, профессионаллиги, принципчилиги, жиддийлиги асосида олиб борилиши даркор. Раҳбар кадрларга муносиб тарзда иш ҳақи белгилаши ҳам кадрлар сиёсатида ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, айрим лавозимлар бўйича ротация амалиётини қўллаш ҳам мамлакат ривожланиши учун фойдадан ҳалол бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, кадрлар сиёсатида очкичлик, шаффофлик, профессионализм, рақобат, ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя, кадрларни баҳолаш тамойиллари асосий ўринни эгаллаш талаб қилинади.

**Иккинчидан,** раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ва сайла-нишда ёш чекловларини ўрнат-тиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайман (албатта айрим сай-ланадиган лавозимлар учун қатъ-ий муддат қўйилиши бундан мустасно). Мансабга тайинлашни ёки сайлашни масаласида ҳар бир шахсга нисбатан индивидуал ёндашиш зарур. Шунингдек, ушбу масалда аҳолининг фик-ри, хоҳиш-иродаси ҳам ҳисобга олиниши керак. Тошкент молия институтида статистика факи бўйича устозим буларда (худо раҳмат қилсин). У киши қангли диабет касалига чалинган эди. Бир кунги қўришга борсам, кўзла-рига иккита кўзойнақ тақиб ва яна қўлларига лупанки олиб янги чиққан китобни ўқийётган экан. Домла нима қиласиз узингизни қийнаб, шундай аудиториюга ки-риб бемалол дарс ўта оласиз-ку, дедим. Гапимни эшитиб менга қараб "шу фикр сиздан чиқди-ми, агар шундай уйлсангиз ҳеч қачон ҳақиқий олим бўла олмайсиз" деди. Гапирганимга ушай-мон бўлдим. Нима демоқчиман? Фидойи, ҳалол киши ҳар доим шундай бўлиб қолаверади. Ёшлиқдан ҳалолликни, профес-сионалликни улуғлайдиганлар то ўлгунларига қадар ўз устларига ишлайдилар, замона билан бир-га ёки ундан олдинроқ қадим ташлайдилар, янгиликлардан мунтазам хабардор бўладилар. Фаолиятим давомда баъзи та-лабаларни кўрдим. Улар ёш бўлишига қарамадан, қонлари бузилиб бўлган. Агар ёш деб шундайларга имкон берилса, и-новация эмас дегарация, "харо-базация" бўлади.

2018 йил 30 майда қабул қилинган "Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида тан-лаб олишнинг замонавий тизими-ни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорини бир томондан қўллаб-қувват-лайман, ammo бошқа тарафдан хавотирим бор, чунки шундай қарорлар ортидан айрим казо-ка-золарнинг фарзандлари иқтидор-ли бўлмасалар-да, мансабга чи-қиб олишларига қонуний замин яратилиши мумкин. Бошқача айтганда, ёшларга эътибор деган

шиор ниқоб қилиниб, унинг ор-тидан яхши кадрлар йўқотили-ши мумкин.

Бир билимли киши бўлим бошлиғи этиб тайинланди. Унинг қўл остида эса бешта ёш чаласавод ишларди. Улардан бит-таси хоҳласа ишга келар, хоҳла-маса келмасди. У оддий аризани ҳам ёза олмайдиган даражада са-водсиз, ammo Иқтисодиёт уни-верситетини тамомлагани ҳақида дипломи бор эди. Бўлим бош-лиғининг танбехлари унга кор қилмасди, чунки унинг ортда кадрлар бўлимининг бошлиғи турарди. Бир йўла уч кун ишга келмаганидан кейин бўлим бош-лиғи рапорт ёзишга мажбур бўлди. Шунда кадрлар бўлими бошлиғи келиб бўлим бошлиғи-га "Сиз ёшларнинг ўсишига тўғанок бўлясиз, Президентни-нинг ёшлар сиёсати қаршимсиз, ўз ўринингизни йўқотишдан қўрқасизми" деган гаплар бил-лан таҳдид қилди. Қисқаси, охи-рида ўша бўлим бошлиғини раҳ-барият қақриб "тушунтирил" берди. "Эй бола, ҳалдингни бил, сен кўчадан келган бўлсанг-да бўлим бошлиғи қилиб қўйдик, сен керак бўлса ўшалар учун ҳам ишлайсан" дейишди. У бечора кейин тушуниди, нега бўлим бош-лиғи бўлганлигини. Бу оддий, индивидуал ҳолат эмас. Ушбу

**Иновацияларга асосланган иқтисодий ривожланиш учун иқтисодий модернизация ва сиёсий модернизацияни уйғунликда олиб боришимиз шарт. Бунда асо-сий ургун кадр-лар сиёсатиغا қаратиш лозим.**



мисол орқали мен ёшлар ниқоб қилинишини ва баъзида нега би-ламиларга мансаб берилишини таъкидламоқчиман.

Ёшларни яхши ниятда кўта-риш, уларга кенг имконият яра-тиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб борилиши ижобий ҳолис а-лбатта. Бунга биз маъқуллаймиз ва ушбу сиёсатга қаршилик этишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Гап шу чора-тадбир ниқоб қили-ниб, бошқа салбий йўналишда ишлатилмаслиги ҳақида кетяпти.

**Учинчидан,** маҳалла раислари-дан бошлаб вилоят раҳбарларига қадар сайловлар орқали сайла-нишни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирги маҳалла йғини раҳбар-ларини сайлаш номтағинга бў-ляпти. Бир-икки ҳолатларни

ҳисобга олмаганда барча маҳалла раислари ҳокимликлар томони-дан тасдиқланган кишилардир. Туман, вилоят ҳокимларини адо-латли сайлаш учун энг аввало фуқаролик жамияти шаклланган бўлиши керак. Афсуски, бу биз-да йўқ. Илмий йўналишим бўйича Шарқий Осиё давлатла-рида сиёсий модернизациялаш-тириш жараёнларини талқиқ эт-ганимда бу борада олимларнинг фикрлари икки хил бўлганлиги-ни кузатдим. Бир гуруҳ олим-лар барча ўзгаришлар пастандан бошланиши керак дейишса, ик-кинчи томон тепадан ислоҳот-лар орқали жамиятни янгилаш мумкин дейдилар. Бизнинг реал шароитда тепадан туриб фуқаро-лик жамиятини шакллантириш-га туртки бериш мақсадга муво-фиқдир. Халқ тайёр эмас деб тур-сак, бу бизнинг фуқаролик жа-мияти ривожланишини хоҳла-маслигимиз учун ўйлаб топил-ган гап бўлади. Айнан марказда фуқаролик жамиятини шакллан-тириш учун сиёсий хоҳиш иро-да ва шунга мувофиқ сайт-ҳара-кат бўлса старли. Мен 2008 йил-дан буён давлат хизмати тўғри-сида қонун қабул қилиниши зар-рурлигини таъкидлаб келаман. Ҳозир бу жараён бошланиб кет-ганлиги ижобий диндир.

**Тўртинчидан,** "бизда кадрлар етишмайди", "халқимиз демокра-тига тайёр эмас" ва шу каби асосиз гапларни йнгиштириши-миз зарур. Етук, ҳалол, профес-сионал, палаги тоза кадрлар бор, фақат уларга имкон беришимиз, уларни қўллаб-қувватлашимиз, сиёсат майдонига кириб келиш-лари учун халақит бермаслигимиз даркор. Асосийси, улардан қўрқмаслигимиз, шубҳа қилмас-лигимиз муҳимдир. Айнан шун-дай кишилардан катта-ю кичик раҳбарлар чиқса, юртимиз тезла-равнақ топади, адолатсизликлар-га чек қўйилади, иқтидорлилар рағбатлантирилади, илм-маъри-фат ривож топади, коррупция кескин қисқаради. Ниятимиз хо-лис бўлса шуларга таянайлик, шуларга эшигимизни очайлик. Бир томондан қайси минбар бўлмасин маънавий, маърифат, биз Бухорийлар, Ибн Синолар, Ал-Ҳоразмилар авлодимиз деб турсак-да, аини бир пайтда оғзи бузуқ, маданиятсизларга мансаб берсак, гапларимизга ҳеч ким ишонмайди.

**Бешинчидан,** ривожланиши-миз учун аҳамиятли бўлган асо-сий масалалар юзасидан қарор-лар қабул қилишдан олдин му-тахассислар, кенг жамоатчилик-нинг фикрини олиш керак. Баз-зи қарорлардаги камчиликлар ҳақида ёзсак, айрим маддоҳлар тепадагилар ўзлари билишади, те-пада аҳмоқлар ўтиргани йўқ, сиз-дан салоҳияти юқори бўлганлар бу қарорни қабул қилишган, сиз унга оғишмай амал қилишингиз керак, дейишади. Бундай ёнда-шув ҳам тўғри эмас. Биргина мисол, қанда олий таълим ти-зими бўйича чиқарилган қарор-да бундан буён талабаларнинг билим олиш рейтингини, ўзлаш-тириш даражаси паст бўлса, ўқитувчи жавобгар бўлишиги, у билан меҳнат шартномаси бе-кор қилиниши ҳақида ёзилибди. Бу ўйламасдан, масаланинг тўрт томонини эътиборга олмасдан қабул қилинган. Агар шу жум-



лалар қолдирилса, яна функцио-нал чаласаводлар сони кўпайиб кетади. Ахир интеллектуал сало-ҳиятсизлар билан қандай қилиб иновацион иқтисод барпо этиш мумкин?

**Олтинчидан,** раҳбарларнинг хо-димлари сўкиши ёки аксинча хо-димлар томонидан раҳбарларни сўкиши ёки бошқа шу каби сал-бий ҳолатларни бартараф этиш учун қонунчиликда жазо чорала-рини кучайтириш лозим. Ҳар бир корхонада ходим ва раҳбарият ўртасида тузиладиган меҳнат шар-тномалари бўлишига қарамадан, хунуқ ҳолатлар рўй бераётган экан, бу борада жиддий оқашлар бор-лигидан далолат. Ҳокимларнинг турли ташкилот раҳбарларини ёки фуқароларни сўкишлари, ҳақорат-лашларига чек қўйиш мақсадида ҳам бундай ҳолатлар юз берганда, уларга нисбатан жиноий жавоб-гарлик кўзда тутилши керак. Шундай тизим бўлсинки, раҳбар ҳодимини ёки ходим раҳбарни сўка олмасин, шундай бир тизим бар-по қилинсинки, ҳоким ҳам ўзини халқнинг бир вакилидай тутишга мажбур бўлсин.

Жамиятимизда мансабга, бой-ликка қараб муомала қилиш ола-ти бор. Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, кўпчилигимиз раҳбар-нинг қўлида ҳокимият бўлган пайтда ундан қўрқамиз, нима де-масин дом-мим демай эшитиб ту-рамиз ва мабодо ишдан кетиб қолса, ўша кундан эътиборан унга тош отишни бошлаймиз, ҳамма-миз кейин ботирга айланамиз. Шундай ҳолатлар бўлишига сиё-сий элита вакилларини айбдор, деб биламан. Агар адолатли ва қонун устувор бўлганда эди, халқ бун-дай ишларга одатланмас эди.

Раҳбар ўрни келганда қаттиқ-қўллик билан бошқариши мум-кин, раҳбарнинг талабчан бўли-ши яхши сифат, ammo қаттиққўл-лик билан диктатура фарқли ту-шунчалардир. Қаттиққўллик бил-лан қўполлик бир нарса эмасдир. Дунё тажрибасида қаттиққўллик билан авторитар тарзда мамлакат-ни бошқарган ва шу йўл орқали давлатини модернизациялашти-рган раҳбарлар бўлган. Ammo ҳар қандай вазиятда зулмини, ноҳақ-ликни оқлаб бўлмайди. Тартибга солишлар, интизом ўз йўлида, лекин ҳар қайси вазиятда инсон-нинг оддий ҳақ-хуқуқларига та-жовуз қилмасдан ҳам жамиятда тартиб ўрнатса бўлади.

**Еттинчидан,** бизнинг энг оғир иллатимиз бўлган таниш-билиш-чилик, маҳаллийчиликка барҳам берилиши жуда ҳам муҳим ма-сала. Бизда ижтимоий лифт ай-нан маҳаллийчилик, коррупция

асосида шаклландиган бўлиб қолди.

Маҳаллийчилик, таниш-би-лишчилик ҳамма жойда санъатда ҳам сановатда ҳам. Турли танлов, чемпионатлар ҳам шу тарзда ўтади. Кимнидир бир бало қилиб илдириб қилишда шундан сўнг кейинги ҳар бир танловда ўша одам яна голиб, деб топла-веради. Кимнидир қачондир бир номи чиқади, унга баъзилар би-либ, бошқалар кўр-кўрона эрга-шади, натижада қаҳрамонга айла-ниб олади. Келгусида ҳам кўпчи-лиكنинг наздида фақат у голиб бўлиши керак. Аини бир пайтда республиканинг чекка қиш-логидан ялт этиб янги гоё, фикр ташлаган киши эса сояда қолиб кетаверади. Биз шу ҳолатларни иновация деса оламизми? Демак, бу йўналишда ҳам қарашларимиз-ни ўзгартиришимиз шарт.

Шун ёнда тутишимиз лозимки, агар ижтимоий лифт билимга асо-сланмаса, аксинча ҳар хил "чилик-лар" асосида шаклланиб экан, демак ушбу вазиятда илмга талаб бўлмай-ди, илмга талаб бўлмагандан кейин на давлат секториди ва на реал иқти-содий секторда иновациялар ҳам бўлмайди. Ҳозирги илм-фан ва иш-лаб чиқариш ҳамда давлат сектори ўртасида юзга келган жарлик бево-сита шундан пайдо бўлди.

**Саккизинчидан,** иновацион ривожланиш ва умуман ҳар қайси соҳада тараққий этишимиз учун тўсиқ бўлаётган коррупция билан курашишда асосий эъти-бор коррупциянинг объекти олиб субъектининг тўғри аниқлаб олиш-га ҳамда курашни қонуний до-ирасида мунтазам равишда амал-га оширишга қаратилиши лозим. Агар минимал ойллик олиб иш-лайдиган боғча тарбиячиси уй-га икки килочга шаклланган олиб кетганлиги ортидан у коррупци-онер сифатида кўрсатилса ёки қайсидир чегарадан тўртта пай-поқ олиб ўтаётган ишсиз аёл уш-ларини ўта ҳафтидан ишонччи сиф-фатида талқин этилса, унда ҳеч қачон коррупцияга барҳам бе-рилмайди. Бу эса олдимизга қўйган мақсадларимизни ўғриб чиқаришга имкон бермайди.

**Х**улоса шунки, биз иқтисо-дий ривожланишимиз учун етук, билимли, профес-сионал, ҳалол кадрларга муҳ-тожмиз. Тараққийетишимизни тақ-дир шундай кадрлар қўлида. Бун-дай сифатта эга бўлган кадрлари-миз бор ва шунинг учун миллати-миз, халқимиз тақдирига бефарқ бўлмасак ана шундай кадрларга йўл берайлик.

Фарҳод АБДУРАҲМОН

# КОЛЛЕЖ ВА МАҲАЛЛА: КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Юртимиз аҳолиси айна кунларда Республикаимиз Мустақиллигининг 27 йиллик тўйини нишонлашга, байрамни ишдаги ютуқлар, ёруғ юз билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Одамлар қалбида эртанги кунга ишонч, кўтаринкилик ҳукмрон. Шунини алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ҳозирда барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари, юртимизнинг ҳар бир гўшасида қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.

Мустақиллик маҳалласи пойтахтимиздаги обод гўшалардан бири. Кўчалари равон, озода. Уйлар атрофига анвойи гуллар экилиб, улар нафосатидан ўтган одамнинг бахридили очилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жаҳонгир Арифжонов раҳбарлигидаги фаоллар маҳалладаги ўқув даргоҳлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишяпти.

Мен маҳалламиз ҳудудида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар



коллежи педагоглар жамоаси билан маҳалламиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Зеро, мана шу ҳамкорликдан маҳаллада истиқомат қилувчи катта ёшдагилар ҳам, ёшлар ва болалар ҳам бирдай манфаат кўряпти.

Ҳар ўқув йилининг бошида коллеж билан маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, "Ойла — маҳалла — ўқув юрти" марказининг иш режалари биргаликда тузилади. Режага асосан коллежда ўтказиладиган Янги йил, Наврўз, Алоқачиларнинг касб байрами, Мустақиллик тантаналари ҳамда диний экстремизм, одам савдоси, спиртли ичимлик ичиш ва чекишнинг зарарларига бағишланган тadbирлар маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилади. Коллеж ўқувчиларининг дарсга ўз вақтида етиб боришлари, тўлиқ иштироки ҳам вақти-вақти билан муҳокама этилади. Бу борада хатога йўл қўйган ўқувчиларнинг ота-онаси билан маҳалла фаоллари алоҳида суҳбатлашади.

Ешларни иш билан таъминлаш, коллеж ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш каби масалаларда туманимиз Бандлик бўлими, савдо-саноат палатаси ва бошқа шу каби бир қатор ташкилотлар вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўз навбатида, коллежнинг Дмитрий Ли етакчилигидаги ўқитувчилар жамоаси маҳалла ишларига яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса, маҳалламизда коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Наргиза Курбонова, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Гавҳар Муҳаммадҷоноваларнинг биргаликдаги ҳаракати натижасида ташкил этилган компютер ўргатиш

курслари машғулотларидан мамнунмиз.

Мен ҳам ана шу ўқув курси тингловчиси сифатида анчагина янгиликларни ўрганиб олдим. Бизни компютер сирларидан коллеж муаллими Диана Актюбина воқиф этяпти. Диана ҳар бир мавзунини эринмай, синчиклаб ўргатади, саволларимизга жавоб беради.

Маҳалла ва коллеж ҳамкорлиги катта йўл бошида турибди. Ҳали қилинажак ишлар олдинда. Бу ҳамкорлик коллеж жамоасига ҳам, маҳаллага ҳам янада кўпроқ фойда келтиришига ишонган ҳолда маҳалламиз фуқаролар йиғинининг оқсоқолимиз раҳбарлигидаги барча фаолларига ҳамда коллеж мутаассаддиларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Диалбар НОСИРОВА,  
фахрий алоқачи

“ Мен ҳам ана шу ўқув курси тингловчиси сифатида анчагина янгиликларни ўрганиб олдим. Бизни компютер сирларидан коллеж муаллими Диана Актюбина воқиф этяпти. ”



## МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

“ Ушбу жиноятнинг энг кўп қурбони бўлган ва моддий зарар кўрганлар қаторига Ироқ, Покистон, Афғонистон, Нигерия, Сурия, Россия, Франция, Белгия, Буюк Британия, АҚШ, Германия каби мамлакатлар киритилган. ”

Айни пайтда терроризм дунё аҳдининг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани кўпчиликка сир эмас. Ёвуз ниятли экстремистик ва террорчи оқимларнинг тарафдорлари инсониятнинг тинч-тоғу ҳаётига раҳна солишга, айниқса, ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қилмоқда.

Терроризм жиноятларининг 2001-2017 йилларда дунё давлатларида содир этилиши статистикасининг таҳлилида ушбу жиноятнинг энг кўп қурбони бўлган ва моддий зарар кўрганлар қаторига Ироқ, Покистон, Афғонистон, Нигерия, Сурия, Россия, Франция, Белгия, Буюк Британия, АҚШ, Германия каби мам-

лакатлар киритилган.

Терроризмнинг кўлами ва унинг халқаро ҳусусият касб этиб бораётгани ҳамда янги турлари, шакллари, содир этилиш усуллариининг пайдо бўлаётганлиги унга қарши курашишнинг халқаро тизимини янада ривожлантириш, ҳамкорликни кенгайтириш, бу борада аниқ тизимли фаолиятни шакллантириш заруриятини юзага келтирди. Ҳозирги геосийсий жараёнларда сиёсий кучлар ўз мақсадлари йўлида “сохта демократия” қадриятлари ниқоби остида бузғунчи ва миллат манфаатларига ёт бўлган гояларни тарғиб қилишмоқда. Унинг салбий таъсиридан муҳо-


фаза қилиш мақсадида ёшларни миллий истиқлол гояси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш, ахборот-ресурс марказларига, маданият-тарихий ёдгорлик масканларига, театр ва кўрғазмаларга жалб қилиш, билимли, соғлом ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга инсонлар қилиб тарбиялаш улар онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади.

Тўғри хабар ёки ахборотни олиш учун маҳаллий нашрлар ва веб-ресурсларга мурожаат этишимиз керак. Чунки маҳаллий нашрларда берилётган ахборотлар пухта асосларга таяниб чоп эти-

лади. Агар танишларимиз орасида турли ноқонуний сайтларга кираётганидан хабар топсак, уларга тушунтириш ишлари бериб тўғри йўл кўрсатайлик.

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида ўтказилган анъанавий маърифат дарсида “Терроризм — жамият барқарорлигига таҳдид” мавзуи доирасида фикр алмашилди. Ҳар бир ходим ўз вазифасини пухта бажариб, юртимиз тинчлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши кераклиги таъкидланди.

А.АЗИЗОВ,  
ДФХ катта инспектори,  
подполковник



# Болани математикага қизиқтиришнинг 6 усули

**Болаларда математика фанига қизиқишни қандай уйғотиш мумкин? "Journalok.ru" сайтининг ёзишича, бунинг олти усули бор.**

Асосий математика қонуниятларини билиш бутун деярли ҳамма учун керак. Кўп касблар бевосита математика билан боғлиқ: молия, компютер технологиялари, инженерия ва бошқалар. Шунинг учун ҳам, гарчи бу осон бўлмаса-да, фарзандларимизга "фанларнинг шоҳи"ни ўргатиш жуда муҳим.

## 1. Конструктор

Болада математикага илк қизиқиш конструктор йиғиш жараёнида пайдо бўлади деган фикрга аксарият ота-оналар қўшилишса керак. Айниқса, "Lego" тоифасидаги йиғма ўйинчоқларни болалар яхши кўришади. "Lego" уларга қандай қилиб кичкина қисмлар-

дан катта ва мураккаб қурилмаларни яшаш мумкинлигини тушуниб олишда кўмаклашади.

## 2. Оригами санъати

Бир буюк математик мактаб даврида ота-онаси уни оригами тўғрисида олиб боришгандан сўнг геометрияга қизиқиб қолганини айтганди. Чиндан ҳам бу қадимий санъат геометриянинг аксарият теоремаларини ўзида мужассамлаштирган, қороздан турли-туман шакллارни яшаш асосида болада геометрияга қизиқиш ошиб боради.

## 3. Стратегик ўйинлар

Болада таҳлил ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришда

стратегия жанридаги ўйинларнинг ўрни катта. Масалан, хитойликларнинг го ўйини. Го Жаҳон интеллектуал ўйинларининг беш асосий ўйинидан бири саналади. Го қондалари жуда оддий: оқ ва қора тошларда ўйналади — ўйиндан мақсад тахтадаги кўпроқ майдонни эгаллаш ва ўраб олиш.

## 4. Аниқ ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган топшириқлар

Болага унда тасаввур пайдо бўлиши ва у тахминлар қилиши мумкин бўлган саволлар бериш тавсия қилинади. Масалан: "Ховуз сувга тўлиши учун қанча вақт кетиши мумкин?" Бунга ўхшаш саволлар ҳам

қизиқиш уйғотиш бараварида математик қобилиятлар ривожланишини рағбатлантиради. Табиийки, бола аниқ жавобни билмайди, бироқ барча жиҳатларни (ховузнинг майдони, сувнинг тезлиги, қувурнинг кенглиги) ҳисобга олиб, ҳар хил тахминларни илгари суради.

## 5. Мусиқа

Олимлар ва педагогларнинг фикрича, мусиқа ва математика чамбарчас боғлиқ тушунчалар. Кўпинча математикани ва мусиқани ўрганиш учун бир хил қобилият ва кўникмалар бўлиши талаб қилинади.

## 6. Шахмат

Маълумки, шахмат таҳлилий қобилиятни энг яхши ривожлантирувчи ўйин саналади. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларини шахмат тўғрисида беришгани маъқул. Балки профессионал шахматчи бўлмас, лекин орттирган кўникмалари келгусида қўл келиши аниқ.

## ХОНАДОН

# Электр тоқини қандай тежаш мумкин?

**Бир Америка филмида қизиқчининг гапи бор: "Отам шунчалик тежамкорки, кечаси ухлашидан олдин ҳатто электрон соатини ҳам ўчириб қўяди — тўғри-да, ухлаётганинда соат нимага керак?"**

ларни меъёрда сақлаш учун 7-8 ° ҳам етарли.

## Қуришти

Қирларни дорга илиб қуришти мутлақо беғул. Битта арқон — олам гулистон. Техниканинг энг сўнгги қулайликларини афзал билувчиларга битта маслаҳат: электр қуриткич сотиб олишда ток сарфини эътибор қаратинг.

## Компютер

Яқин пайтларгача хонадондаги асосий ток сарфи маиший техникаларга тўғри келарди — энди компютер ва телевизор уларни орда қолдиришти ва жами электр қувватининг бешдан бир қисмини ишлатмоқда. Ҳатто соатлаб кутиш тартибида турган компютер ҳам ҳамёнингизнинг бир четини ўпириб кетади.


## Қувватлаш қурилмалари

Ишлатилмаса ҳам электр тармоғидан узилмаган мобил телефонлар ва фотоаппаратларнинг қувватлаш мосламалари қанча пул сарфлаб юборишини биласизми? Ёки мусиқа марказларини олайлик. Немис мутахассислари ҳисоблаб кўришса, токдан узилмасдан қолдирилган эски стереотизимлар йил давомида эгасига 20 еврогача зарар келтираркан.

Ҳазил ўз йўлига, аммо коммунал тўловлар, масалан, электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш пайтида қайфиятингиз бир бузилиб олиши тайин. Шунча қарздорлик? Қайдан пайдо бўлди? Яқинда тўлагандим-ку? "Айбдор"ни қидиришни уйнимиздан бошлаганимиз маъқул. Электр қувватини еб ётган "чунтақ кушандалари" ҳар бир хонадонда топилади. Озгина кунт қилсангиз бас, ортиқча электр жиҳозларини ўчириш эвазига ҳудубеҳудага пул тўлаб юрмайсиз.

## Совуткич

Маҳсулотларнинг ҳарорати қанча юқори бўлса, уларни совитишга шунча кўп энергия сарфланади, шунинг учун ҳам совуткичга илиқ овқатларни (иссиқ овқатларни-ку мутлақо) қўймаслик керак. Лаборатория синовлари кўрсатишича, 50 даражагача иситилган шўрвани совитишга хона ҳароратидаги шўрвани совитишга қараганда 14 фоиз кўп электр тоқи кетаркан. Совуткич соғламасига ҳам қараб қўйинг, максимум совуқ нега керак, озиқ-овқат-



## Мавзу доирасида

**Қуйдаги инфографика орқали эса электр тоқини сарфлаш бўйича хонадонингиздаги "чемпионлар"ни аниқлаб олишингиз мумкин:**



# 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## ХАВФСИЗЛИК

### ХАКЕРЛАР 21 МИЛЛИОН Фойдаланувчининг “ХОТИРАСИ”НИ Ўғирлашди

Timehop сервисининг 21 миллион фойдаланувчиси маълумотлари 4 июл куни уюштирилган киберхужум оқибатида хакерлар қўлига тушган. Бу ҳақда сервис блогерида хабар қилинган.

Timehop вакиллари кибержиноятчилар маълумотларни ўмариш учун будутли серверга киришганини айтишмоқда. Йўқолган нарса: номлар, электрон почта манзиллари, телефон рақамлари. Фойдаланувчиларнинг фотосуратлари ва постлари дахлсиз қолган.

Айни пайтда Timehop тизимга кириш қалитларини ўчириб қўйиб, ахборот хавфсизлиги мутахассисла-



ри билан иш олиб борапти. Ҳар бир фойдаланувчининг логини ва пароли янгиланди.

Timehop хотиралар сервиси ҳисобланади: турли ижтимоий тармоқларга улашиб, фойдаланувчиларга улар билан аввал содир бўлган муҳим воқеа ва саналарни эслатиб туради.

## ИЛОВАЛАР

### YOUTUBEнинг АНДРОИД-ИЛОВАСИ ЯШИРИН ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ

Сервис ушбу функцияни баҳордан бери синаб келаётгани, энди барча андроид-смартфонлар эгалари ундан фойдалана олишади.

Инкогнитони (яширин функцияни) ёқиш учун ўз аватарингизни босишингиз керак: унга кирсангиз, “Инкогнитони ёқиш” тугмасини кўрасиз.

Бу тартибда ишлаганда YouTube сервиси фойдаланувчи нималарни кўрганини эслаб қолмайди, кўрилган видеолар тарихга ёзилмайди.

Яширин тартибда видео кўриш пайти шляпани ва кўзойнакли аватар пайдо бўлади, қолаверса, экраннинг қуйи қисмида тегишли ёзув кўринади.



## БОЗОР

### MEDIATEK САВДО ПАСАЙИШINI Тўхтатди

MediaTek компанияси иккинчи чорак ҳисоботини тақдим этди. Ҳисобот даврида савдо ҳажми 60,48 миллиард тайван доллари (2 млрд. АҚШ доллари атрофида)ни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 21 фоиз юқори ёки тахлилчилар ва компаниянинг ўз ҳисоб-китобларидан анча яхши натижа бўлди.

Натижада компания ўтган йилга солиштирганда савдо кўрсаткичлари пасайишини 3,5 фоизга камайтира олди.

Яхши кўрсаткичларга эришишида Xiaomi, Oppo ва Vivo компанияларидан саккиз ядролу MediaTek Helio P40 процессорларига буюртма кўпайиши муҳим аҳамият касб этди.

## ХОТИРА ҚУРИЛМАЛАРИ

### APACER ТЕЗКОР MICROSD- КАРТАЛАРИНИ ЧИҚАРДИ

Компания янги туркум хотира карталарини чиқарди, уларнинг тез ишлаши, айниқса, видеотасвир жараёнида қўл келиши айтилмоқда.

Масалан, Apacer microSDXC UHS-I U3 V30 туркум хотира карталари 4K видео олишга мўлжалланган бўлиб, минимал ёзиш тезлиги 30 Мб/сония, ўқиш тезлиги 100 Мб/сонияга тенг. Бу туркумдаги карталар 64, 128, 256 гигабайт сифатида чиқарилмоқда.

Apacer microSDHC UHS-I U1 V10 туркуми эса 16 ва 32 гигабайт, ёзиш тезлиги 10 Мб/сония, ўқиш тезлиги 100 Мб/сониялик карталардан иборат бўлиб, FullHD форматли видео учун мўлжалланган. Барча карталар маълумотлар йўқолиши, сув, магнит майдонлари, механик ва ҳарорат ўзгаришлари таъсиридан ҳимояланган.

## ҚУРИЛМАЛАР

### ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎСИШ 1 ФОИЗДАН ҲАМ ОШМАЙДИ

Gartner тахлилчилари 2018 йили жаҳон бозорига 2,28 миллион донга қурилма (шахсий компьютерлар, планшетлар, мобил телефонлар) етказилиб берилишини ҳисоблаб чиқиши — бу йиллик қийса 0,9 фоиз ўсишни аниқлатади. Олдинги йилга солиштирилганда, мобил телефонлар йўналишида 1,4 фоизлик ўсиш ва аксинча, шахсий компьютерлар ва планшетлар соҳасида 1,2 фоиз пасайиш кузатилади.

Айни пайтда DRAM хотиралари тақчиллиги кузатиляпти, қолаверса, катта экранли ва кучли график картали тизимларга иезгемдчилар талаби ошиши сабабли 2018 йил давомида ишлаб

чиқарувчилар шахсий компьютерлар нархини ошириб боришади. Бу ҳолат охириқабат якуний талабда аксини топади.

Яна бир муҳим маълумот, 2020 йилнинг 7 январдан Windows 7ни расман қўллаб-қувватлаш тўхтатилади, бу ҳолат корпоратив соҳани тезроқ Windows 10га ўтшига ундайди.

Бозорда мобил қурилмаларнинг улуши катта. Бу йил 1,9 млрд. мобил қурилма етказиб берилиши кутилмоқда. Ана шу бозорнинг 23 фоизи Хитойга тўғри келмоқда.

**С.ТЕМИРОВ тайёрлади**

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### НАТО иттифоқчилари ҳарбий техникаси янгиланади

НАТОнинг Брюсселдаги саммитида альянсга аъзо давлатлар бир қатор аъзо давлатларда мерос бўлиб қолаётган со-



вет ва Россия ҳарбий техникаларидан буткул халос бўлиш борасида келишиб олишди. Бу альянс саммитининг биринчи куни якунлари бўйича маълумланган декларацияда ўз аксини топган. Декларацияда ёзилишича, “ўзгараётган вазиятлардан пайдо бўлган таҳдидларни енгиб ўтиш” учун “юқори тайёргарликда бўлиб турган тезкор кўшма кучлар ва воситалар” зарур бўлади.

Бунинг учун альянс “қуролли кучларнинг тезкор ҳамжиҳатлигини ошириши, Россияда ишлаб чиқарилган ва мерос бўлиб қолган ҳарбий техникаларга мавжуд боғлиқлик масаласини баҳамжиҳат ечиш учун ишлаш”ни режалаштирмоқда. “Биз инновацияларни жорий этиш ва ўзининг технологик устунлигини таъминлашда давом этаемиз”, — дейилади ҳужжатда.

### Трамп: Меркел билан муносабатларимиз аъло даражада

АҚШ президенти Доналд Трамп Германия канцлери Ангела Меркел билан НАТО саммити доирасида учрашувидан сўнг у билан савдо, “Шимол-2”, ҳарбий харажатларни муҳокама қилганини айтиди ва учрашувни “аъло”, деб атади. “Учрашувимиз аъло даражада ўтди. Биз ҳарбий харажатлар, савдони муҳокама қилдик. Канцлер билан муносабатларимиз жудаям яхши. Германия билан кучли алоқаларга эгамиз, ўйламанки, ўзаро савдомиз ўсади ва бошқа кўп нарса-лар ҳам ривожланади, аммо кўраимиз”, — деди у учрашувдан сўнг.

Ўз навбатида, Меркел учрашув иқти-



содий ривожланиш, миграция, бўлажак савдо муносабатлари ҳақида фикр алмашишга имкон берганини эътироф этди. “Биз ҳамкорларимиз ва ҳамкорликни келгусида ҳам давом эттиришни истаймиз”, — деди у.

### Назарбоев Қозоғистон хавфсизлик кенгашига умрбод раҳбарлик қилади

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакат хавфсизлик кенгашига умрбод раҳбарлик қилиш ҳуқуқини олди. Эндиликда бу лавозим ваколатлари анчагина кенгайтирилган. “Қозоғистоннинг биринчи президенти — Элбошига (миллат етакчиси, Назарбоевга) унинг тарихий миссияси туфайли хавфсизлик кенгашини раис сифатида бошқариш ҳуқуқи умрбод тегишли”, деб айтилган тегишли қонунда. Конституциявий кенгаш ҳам қонунни конституцияга мос, деб тан олган.

Қонун, шунингдек, хавфсизлик кенгашига ички сиёсий барқарорликни сақлаш, конституциявий тузум, давлат мустақиллиги, худудий яхлитлиги ва Қозоғистоннинг халқаро майдондаги миллий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида миллий хавфсизлик ва мулофаа қобилиятини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати юритишни мувофиқлаштирувчи конституциявий орган мақомини беради. “Хавфсизлик кенгаши ва кенгаш раисининг қарорлари мажбурий ҳисобланади ва Қозоғистон давлат идоралари, ташкилотлари ва мансабдор шахслари томонидан сўзсиз бажарилиши керак”, деб айтилган қонунда.

### Туркияда сохта исломий воиз ҳибсга олинди

Туркия полицияси Ҳорун Яяё номи билан танилган ислом воизи Аднан



Оқтарни ҳибсга олди. Anadolu агентлиги хабарига айтилишича, хавфсизлик кучлари Оқтар гуруҳига алоқдорликда гуноҳ қилинган 235 кишини қўлга олиш бўйича операцияни давом эттирмоқда. Истанбул полициясининг молиявий жиноятларга қарши кураш бўлими Туркиянинг бешта вилоятида операция ўтказмоқда. Гуруҳ аъзолари жиноий ташкилот тузиш, воёга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик қилиш, бола ўғирлаш, зўрлаш, шантаж, ноқонуний равишда одамлар эркинлигини чеклаш, ҳарбий ва сиёсий жосуслик, диний эътиқоддан фойдаланиб товланамчилик қилиш, шахсий ҳаётга дахл қилиш, ҳужжатларни сохталаштириш ва бошқа кўплаб жиноятларда айбланмоқда.

Оқтар 1986 йилда “диндан дунёвий давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий тузумини ўзгартриш мақсадида фойдаланиш” айблови билан қўлга олинган эди. Суд жиноят аломати йўқлиги учун Оқтарни озод қилиш ҳақида ҳукм чиқарганди.

Турк ОАВларининг ёзишича, Оқтар сохта исломий секта етакчиси.

**У.ТОҶИБОВ тайёрлади**





**Камол Стафа**  
(1920-1942, Албания)  
— албан ёзувчиси,  
шоир ва маърифат-  
парвари. Ҳикояларида,  
шунингдек, "Қўнғироқ  
қўшиғи", "Қора осмон"  
каби бадиҳаларида ва  
шеърларида оддий  
одамлар турмушини  
қаламга олиб, албан  
халқининг орзу-умид-  
ларини, дардларини  
баён этади.

## КУЗНИНГ МАШЪУМ АЙБНОМАЛАРИ (ҲИКОЯ)

Камол СТАФА

Уни ҳар куни эрталаб мактабга кетаётганимда учратардим. Ҳамиша битта жойда, муюлишга яқин йўл четида ўтирган бўларди. Соч-соқоли ўсиб кетган, ғам-андух тўла юзида алла-нечук кўнгли равшан одамларнинг афт-ангориди зуҳр этувчи ювощ ва ёқимли ифода балқирди.

Оғир турмуш бошига солган кўргиликлар унинг қиёфасига аёвсиз тамғасини босган — чуқур-чуқур ажинлар ғамгин юзини тилимлаб юборган эди. Патила-патила қуюқ сочлари ғам-ташвишдан оппоқ тусга кирганди. Ёзда у мева-чева, қишда эса қовурилган каштан мағзини сотарди.

Маҳалла-қўйда уни билмаган одам йўқ эди. Айниқса, болалар яхши кўришар, ҳар куни мактабга кетаётган ундан қовурилган каштан олиш учун муюлишда албатта тўхташарди. Баъзи-баъзида битта-яримта бола унинг қулоғига бир нималарни шивирлаётган бўларди: ўша куни онаси пул бермаган, шекилли... Сотувчи бошини сарак-сарак қилганча жимгина қулоқ солар, кейин ювощгина боқувчи кўзларида табассум жилва қиларди.

Чўнтақларини қовурилган каштан билан тўлдириб олган болалар шодликдан териларига сигмай кетишарди. Сотувчи эса болаларнинг кўнглини ололганидан мамнун бўлиб, қаддини ростлаган кўйи уларнинг ортидан жилмайиб қараб қоларди.

Ёз яқинлашган сари бу одамнинг афт-ангори тундлашиб борар, у ёш харидорларига шунчалик кўникиб қолган эдики, бир неча ой уларни кўрмасликка мажбур бўлишдан диққати ошарди. Мижозларидан ажралса, пул камроқ тушиши учун, деб уйлаясизми? Албатта, йўқ!

Болалари билан (унинг бир-биридан ширин иккита ўғли бор эди) ўзига битта нон билан бир бўлак пишлоқ ва мева-чева ҳам сотиб олади. Гап пулда эмас. У болаларни яхши кўрарди, бир кун кўрмаса, ё мактабга кириб кетишган чоғларида янгроқ кулгиларини эшитмай қолса, юраги сиқилар,



худди бир нимасини йўқотган одам кўйига тушарди.

Болаларнинг бегубор чехраларига боқиб, уларнинг шовқин-суронларини эшитганда, ўтган кунлари кўз ўнгида гавдаланар, зардобга тўлган юрагининг қатламларида уларнинг бегараз овозлари янграгандек бўларди. У ҳақда болалар ҳар хил ҳикояларни айтиб беришарди. Эмишки, каштанчининг яна битта суқсурдек боласи бўлган экан, у сотувчи оиласининг дуру гавҳари — бойлиги экан, ота ўз уйида бола-чақаси билан тинч-тотув яшаркан. Аммо кунлардан бир куни ҳеч қутилмаганда сотувчи ана ўша боласидан жудо бўлибди.

Мотам ва мусибат туфайли оиласида ҳукм сураётган оёйишта ҳаёт барҳам топди. Авжи баҳор палласида гуллаётган дов-дарахтлар ногаҳон қора совуққа дош беролмай заволга юз тутди.

Меҳр-муҳаббатнинг ширин орзулари барбод бўлди. Кўп ўтмади, суқсурдек норасиданинг тобутини кўтариб чиқиб кетган одамлар хасталик ва фарзанд доғига дош беролмай дунёдан кўз юмган онани дафн этгани яна келишди. Отанинг юраги бу адоқсиз

мусибатлардан адо бўлди. Кейин ҳарбий кийимдаги кишилар келиб кўч-кўрони билан уларни уйдан ҳайдаб чиқаришди. Шу тариха икки нафар касалманл боласи ва бир дунё ғам-ташвиши билан сотувчи ёлғиз қолди. Ана ўша пайтдаёқ у каштан қовуриб сота бошлаган экан.

Кунларнинг бирида каштан олаётганимда бир нарса эътиборимни тортди: одатда доим енгил кийиниб юрадиган одам қандайдир қалин чойшаб билан кўкси аралаш белини ўраб олибди.

Кўчада ҳаво совуқ, акрабнинг этни жунижиктирувчи кунлари эди. Аёзли тонг ҳаёлга чўмганча қотиб қолган. Ғарибона кулбаларнинг аянчли қиёфаси ва дангиллама кўшкларнинг улуғвор салобатини кечаси билан ёққан қор ҳам кўздан яширолмаган, аксинча, улар ўртасидаги тафонуни янаям бўрттириброк кўрсатарди.

Қаҳратон қиш кириб келаётганда, Каштанларни қоғоз идишга солиб узатаётган маҳал сотувчининг йўтал тутди. Ўқчиб-ўқчиб йўталганидан унинг юзи қизариб, кўзлари ёшланди. Бир зум ўтмай кўксини чангаллаганча чуқур нафас олди, ана шунда ранги-рўйи яна

ўзгарди — ҳолсиз, жонсиз бир алфозда боқарди. У ёнгинасидаги синиқ эски яшиқда ётган болаларига разм солди ва чуқур хўрсинди. Унга қараб турар эканман, кўнглидан нималар кечганини сезардим.

Қор ҳамон ёғар, қиш қилчичини кўтариб шу ғариблар тепасидан кетмасди гўё...

Сотувчи тез-тез йўтала бошлади. Шундай йўталар эдики, азбаройи кўкариб, нафас ололмай, гапиролмай қоларди. Шунда ҳам орасира жавдираб болаларига кўз ташлаб қўяр, бир амаллаб энгашганча уларнинг устига ёпилган йиртиқ чойшабни тўғрилар, сўн яна аччиқ-аччиқ йўталар эди.

Кунлардан бир кун сотувчи гойиб бўлди. Қовурилган каштанни хуш кўрадиган болаларнинг бари ўқсиб қолишди гўё.

\*\*\*

Куз оқшомларининг бирида мен уйга қайтаётгандим. Шимол томондан изгирин шамол эсар, шаррос ёмғир қуяётганди. Бузилган, хароба кулбанинг пугурдан кетган томи остида, эски палтога ўралиб олган бир одам қимир этмай, ўтирган ерида мизгир, оппоқ сочили боши кўксига тушган, иккита болакай унинг тиззаларига бош қўйиб ором олишарди. Мен уларнинг тепасига бордим. Булар каштан сотувчи билан унинг болалари эди. Улар совуқдан бир-бирларининг пинжига суқилиб пинакка кетишганди. Бечораларни уйғотиб ҳол-аҳвол сўрагим келди-ю бироқ аллақандай галати бир туйғу бу ғарибларнинг ғамгин оромини бузмасликни кўнглимга солди. Мен иссиқ энгил-бошимга жижолатомуз разм солдим-да, йўлимга равона бўлдим.

Йўлда кетялман-у ичинимда бир титроқ аралаш изтиробли оғир ҳаёллар бош кўтарётганини ҳис қилдим. Барҳақ Эгам, мен одамлар ва жамиятдан ёзгирар ва беихтиёр ўзимга-ўзим сўз берар эдим...

Кеч куз. Ёмғир тинмай ёғиб, шамол эсяпти.

Рус тилидан

Олим ОТАХОН таржимаси

### ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

#### ҲОЗИРГИ БОЛАЛАР

Бола эдим. Қорбобо борлигига, совғалар олиб келишига ишонардим. Улғайиб унинг чўпчак эканига зўрға ишондим. Ишонгим келмади. Кейинчалик эса тўрт яшар ўғлимга дедим:

— Яхши бола бўлсанг, Қорбобо совға беради!

— Ойи, Қорбобо фақат эртақларда бўлади, нима ёш боламисиз?

#### АБАДИЙ ҚОНУН

Авал она боласининг оғир бешигини тебратди.

Сўнгра фарзанд волидасининг тобутини кўтарди.

Ҳаётнинг аччиқ ва абадий қонунини шу экан.

#### ВАТАН ВА СЕВГИ

Улар интернетда танишишди. Уч йиллик ёзишмалардан сўнг бир-бирисиз туролмасликларини тушунишди. Аммо, бир лекин бор эди. Инигит бошқа миллат, қиз ўзга-эллик эди.

— Мен ватанимни, уйимни ташлаб кетолмайман, —

деди қиз, — бирга бўлишимизни истасангиз, ўзингиз келинг! Шу ерда, менинг диёрида бир умр бахтисаодатли яшаймиз...

Инигит кўп уйланмади: дарров рози бўлди. Кўп ўтмай қизнинг қаршисида пайдо бўлди.

— Сизга турмушга чиқолмайман, — деди қиз пойига чўккан йигитга қараб, — ватанидан, оиласидан бир зумда кетган инсон мендан қанча вақтда кечиб кетаркин? Ортингизга қайтинг, сизни оқ ювиб-таратган тупроғингиздан айрилманг.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

**ФУТБОЛ**

**ЖЧ-2018. ФРАНЦИЯ ВА ХОРВАТИЯ ФИНАЛДА**

Россияда ўтаётган жаҳон чемпионатида финалчилар номи маълум бўлди.

Дастлабки ярим финал учрашувида Франция терма жамоаси Белгияни мағлуб этиб, биринчи финалчига айланди.

Учрашувда ягона гол 51-дақиқада ҳимоячи Самюэл Умтити томонидан киритилди.

Франция ўз тарихида учинчи бор жаҳон чемпионати финалига чиқди. 1998 йилда финалда Бразилияни мағлуб этган бўлса, 2006 йилда Италияга мағлуб бўлган эди.

ЖЧ-2018 мусобақаси ярим финалидан ўрин олган Хорватия ва Англия терма жамоалари ўртасидаги ўйинда хорватлар устун келди.

Ҳисобни биринчи бўлиб инглиз ҳимоячиси Киран Триппер очди.

Иккинчи бўлимни хорватлар фаол бошлашди ва 68-дақиқада Шиме Врсалконинг ўнг қанотдан узатиб берган тўпини Иван Перишич яқин масофадан дарвозага аниқ йўналтириб, мувозанатни тиклади.

Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобда тугади. Қўшимча бўлимларнинг иккинчисида Перишичнинг узатмасидан сўнг, Марио Манжукич ҳимоячиларни ортада қолдириб ва яқин масофадан дарвозани ишғол қилди.

Шу тарихда, 2:1 ҳисоб билан Хорватия ўз тарихида илк бор Жаҳон чемпионати финалига йўл олди ва улар 15 июл кuni чемпионлик учун Францияга қарши ўйнайди.

Англия эса 14 июл кuni учинчи ўрин учун Белгия билан куч синашади.



**БОКС**

**ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАН УЧТА ВАЗН ОЛИБ ТАШЛАНДИ, ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ МУСОБАҚАГА БОРМАЙДИ**

Август ойида Индонезияда Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Бокс Ўзбекистон спорт делегациясига куплаб медаллар тақдим этадиган йўналиш ҳисобланади. Бунгача Олимпиада ва Осиё ўйинларида эркаклар ўртасидаги мусобақаларда 10та вазн тоифасида баҳслар ўтказиларди.

Маълум бўлишича, бу йилги Осиё ўйинларида эркаклар ўртасида 7та вазн тоифасида баҳслар ташкил қилинади.

Яқин вақтларда терма жамоамиз Жакартага қандай таркибда йўл олиши ҳақида маълумот берилди. Ҳозирча, фақатгина Олимпиада чемпиони Шаҳобилдин Зоиров Осиё ўйинларида иштирок этмаслиги аниқ.

**ШАХМАТ**

**ЁШЛАРИМИЗ БАТУМИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТДИ**

Грузиянинг Батуми шаҳрида шахмат бўйича нуфузли халқаро турнир якунланди.

Тўртинчи бор ўтказилган Батуми фестивалида 10та давлатдан 37 нафар шахматчи дона сурди. Улар орасида ўзбекистонлик шахматчилар ҳам муваффақиятли тарзда олдимлашди.

Жумладан, Жаҳонгир Комилов 8 ёшгача шахматчилар мусобақасида 9 имкониятдан 8,5 очко жамғариб, халқаро фестивал голибига айланди. Ўн уч ёшли халқаро мастер Жавоҳир Синдаров (2474) эса 10-рақам остида ҳаракат қилганига қарамай, асосий турнирда 6 очко билан кучли учликдан жой олди. Унинг рейтингда биринчи ўринда турган қозогистонлик халқаро гроссмейстер Ринат Жумабаевни мағлуб этгани эса ҳақиқий шов-шувга сабабчи бўлди.

Шахматчиларимиздан Робияхон Сардорова "С Ореп" мусобақасида иштирок этди ва 6,5 очко билан умумий қатнашчилар орасида 5, аёл шахматчилар ўртасида эса 1-ўринни эгаллади.



**РОНАЛДУ "РЕАЛ" ДАН КЕТДИ ВА "ЮВЕНТУС" НИ ТАНЛАДИ**

"Реал"нинг португалиялик ҳужумчиси Криштиану Роналду Туриннинг "Ювентус" клубига ўтди.

Шартнома тўрт йилга мўлжалланган бўлиб, футболчи йилига 30 миллион евро миқдорда маош олади.

"Қироллик клуби" бу трансфер орқали 105 миллион евро ишлаб олди.

Эслатиб ўтамиз, Роналду клубга 2009 йилда 93 миллион еврога келганда ва шу кунга қадар "Реал" 15 кубокни боши узра кўтарган. У "Реал" сафида 438 ўйинда 450та гол уришга муваффақ бўлган. Роналду тўрт бор дунёда тенгсиз деб топилган.

Мадрид клуби мухлислари ўртасида ўтказилган сўровномада у жамоа тарихидаги "Энг яхши ҳужумчи" номига ҳам сазовор бўлган.

**ФУТБОЛ**

**ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ**

Пойтахтимизда жорий йилнинг 5-9 июл кунлари футбол бўйича 16 ёшлилар ўртасида Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Турнирда ҳамюртларимиз билан бирга қўшни Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ёш чарм тўп усталари иштирок этди. Жамоамиз барча ўйинларни муваффақиятли ўтказди: Ўзбекистон — Афғонистон 4:1, Ўзбекистон — Қирғизистон 5:0, Ўзбекистон — Тожикистон 3:1.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жамоаси чемпион бўлган бўлса, кейинги ўринлар Афғонистон ҳамда Тожикистон футболчиларига насиб этди.



**ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети СИРТҚИ таълим шаклига ҳужжатлар қабул қилади.

Т/р	Шифр	Таълим йўналиши	Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус
1	5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	50	35	15
2	5330501	Компютер инжиниринги: компютер инжиниринги	75	60	15
3	5330502	Компютер инжиниринги: АТ-сервис	25	15	10
4	5330503	Компютер инжиниринги: мультимедиа технологиялари	25	15	10
5	5350101	Телекоммуникация технологиялари: телекоммуникациялар	75	60	15
6	5350102	Телекоммуникация технологиялари: телерадиозширтириш	25	15	10
7	5350103	Телекоммуникация технологиялари: мобил тизимлар	25	15	10
8	5350600	Кутубхона-ахборот фойлияти (фойлият турлари бўйича)	50	40	10
<b>ЖАМИ:</b>			<b>350</b>	<b>255</b>	<b>95</b>

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 10 июлдан 31 июлгача.

**ВНИМАНИЕ, ОБЪЯВЛЕНИЕ!**

Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий объявляет приём документов на ЗАОЧНУЮ форму обучения.

№	Шифр	Направление образования	Всего	В том числе	
				узбек	рус
1	5330300	Информационная безопасность (по сферам)	50	35	15
2	5330501	Компьютерный инжиниринг: компьютерный инжиниринг	75	60	15
3	5330502	Компьютерный инжиниринг: IT-сервис	25	15	10
4	5330503	Компьютерный инжиниринг: мультимедийные технологии	25	15	10
5	5350101	Телекоммуникационные технологии: телекоммуникации	75	60	15
6	5350102	Телекоммуникационные технологии: телерадиовещание	25	15	10
7	5350103	Телекоммуникационные технологии: мобильные системы	25	15	10
8	5350600	Библиотечно-информационная деятельность	50	40	10
<b>ВСЕГО:</b>			<b>350</b>	<b>255</b>	<b>95</b>

Приём документов с 10 июля до 31 июля.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 108-бино. телефон: 238-64-06.

ВАЗИРЛИК  
ДИҚҚАТИГА:

# ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ ЗАРУР



Азизлар,  
вақт учкур от.  
Бугун соҳага  
жавлон уриб  
меҳнат қила-  
ётганлар эртага  
фахрийлик  
ёшига етишади.  
Ана шунда улар  
тажрибаси  
ишчи давом  
эттираётган  
ёшларга  
асқотади.

Фахрийлар... Улар ҳақида гап кетгудай бўлса, катта ҳаёт тажрибасига эга, соҳасининг етук билимдонлари, дея таъриф берилди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бир соҳада, бир корхонада ишлаб, фахрийлик ёшига етиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бирор олийгоҳда ўқиб, ўзи танлаган соҳага қизиқмай ёки элай олмай, дипломини сандиққа солганлар қанча. Фахрийликнинг олтин даврига етиш учун инсонда билим, қизиқиш, сабр-тоқат, матонат бўлмоғи лозим. Ана шу хислатларга эга инсонгина ишдаги қийинчиликларни енгиб ўта олади, тарбияли ходимгина ўзидан катталарни ҳурмат қилиб, улардан иш ўрганади, ишига кўника қила борган сайин тажрибаси ҳам ортиб боради. Натижада то пенсияга чиққунига қадар у ишда тобланади, танлаган соҳасининг етук билимдонига айланади. Ана шундай соҳа даргалари ҳаёт тажрибасидан фойдаланиш корхонага фойда келтира оладими?

Бизнинг соҳа корхона ва ташкилотлари ичида шундай бир жамоа борки, бу ерда ишлаб кексалик ёшига етганлар аввало раҳбарият ва жамоа иштирокида иззат-икром билан, даста-даста гуллар, ҳамкасбларининг меҳр ардоғида пенсияга кузатилади. Унга олган маошининг бир неча баравари миқдоридан ёрдам пули, ўзи истаган санаторияга йўлланма берилди. Ва шу пайтнинг ўзидаёқ янги жамоа — корхона Фахрийлар кенгаши аъзолари сафига қабул қилинади.

Ҳаммаси шундан кейин бошланади. Унга ҳар йили туғилган кунда табрик телеграммаси ҳамда моддий ёрдам келади. У йилда икки марта корхонада ўтказиладиган байрам тадбирига таклиф этилади, унга ҳар чорак натижалари-

га кўра мукофот пули берилади, фахрий ҳамкасблари билан биргаликда йилда бир неча бор республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилади. Энг муҳими эса, корхона ёшлари вақти билан чақириб, олиб бораётган ишлари ҳақида ҳисобот беришади, маслаҳат сўрашади. У ҳам, албатта, бор билим ва тажрибасини шогирдларига бажонидил ўргатади. Бу йўлда вақтини аямайди, бирор жойга меҳмондорчиликка боришдан кўра, ўз биланлари билан корхонасига фойдаси тегишидан завқ, қониқиш олади. Ва пенсия ёшида ҳам ўз жамоасига кераклигини ҳис этади, унинг кексалик даври тўла маънода олтин даврга айланади, ҳаётдан завқланиб яшайди.

Кексалик ёшида ҳурмат-эҳтиром шоҳсупасида умргузаронлик қилаётган бу инсонлар "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Бош коммунитарият маркази" филиалининг бахтиёр фахрийларидир. Улар сони бугун 400 нафарга етди. Баъзан тадбирларига бизни ҳам чақиривади. Тўғриси, улардаги шижоатни, ҳаётга ташналикни кўриб, ҳавасмиз келади. Улар айрим бошқа фахрийлар каби пенсияга чиққач, ҳеч кимга керак бўлмай қолишмаяпти. Аксинча, ҳамкасблари уларнинг бой иш тажрибасидан унумли фойдаланишяпти ва шунга яраша иззат-икром ҳам қилишяпти.

Биз собиқ вазирлар ва вазирилик тизимида меҳнат қилган алоқа фахрийларининг ҳам ойда бир марта тўпланиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирадиган одатимиз бор. Ана шундай тадбирларимизда соҳада юз бераётган ўзгаришларни муҳокама қиламиз, ижобий томонларига юксак баҳо берамиз. Биз бошлаган эзгу ишларимизни кун сайин янгиланиб бораётган шид-

даткор замон талабига мос равишда юқори салоҳият, ғайрат-шижоат билан давом эттираётган вазиригимиз раҳбарлари ишдан қониқиш ҳосил қилган ҳолда соҳадаги айрим камчиликларга "Xabar" газетаси орқали ўз муносабатимизни билдирамиз. Газета журналистлари ҳам бизни ҳурматлаб, фикрларимизга кенг ўрин беришади. Бугунги таклифимизни ҳам газета орқали билдиришимизга сабаб шу аслида.

Ана шундай йигинларимизнинг бирида сафдошларимиздан кимдир "БКМ" филиалидаги тажрибани бошқа ташкилот ва корхоналарга ҳам ёйсак-чи, деган фикрни айтиб қолди. Биз ҳам ҳамкасбимизнинг бу фикрини тўғри, деб топдик. Ҳақиқатан ҳам умрини юртимизда алоқа соҳаси ривожига бағишлаган инсоннинг тажрибасидан ёшларнинг фойдаланиши корхонага фақат фойда келтиради. Тўғри, ҳозир замон ўзгарди, ёшлар хориз тилларини яхши билган ҳолда ўқиб-ўрганишяпти, изланишяпти. Бу эса уларни назарий жиҳатдан бойитяпти. Ана шундай кучли назарияга эга ёш мутахассисга бой тажрибага эга инсон йўл-йўриқ кўрсатса, нур устига нур бўлади, деган фикрга келдик.

Бу ўтган йили бўлган воқеа. Хуллас, биз бу ҳақда вазиригимизнинг масъул шахсларига билдирдик. Улар бу ишни маъқул кўриб, "БКМ" филиали тажрибасини алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси барча корхона ва ташкилотларига тавсия қиладиган бўлишди. Соҳа корхоналарида тузилдиган Фахрийлар кенгашининг Низоми ҳам тайёрланди, адашмасак.

Кейин эса, республикамиздаги янгиланиш, ўзгаришларга мос равишда соҳамиз раҳбариятида ҳам қатор лавозимий ўзгаришлар юз берди. Ва

назаримизда, бу масала эътибордан четда қолди.

Биз, республикамиз учун энг оғир бўлган истиқлолдан кейинги даврда фаолият юритиб, соҳа ривожига янги даврни бошлаб берган фахрийлар номидан вазиригимизнинг мутасадди инсонларига мурожаат қиламиз. Азизлар, вақт учкур от. Бугун соҳада жавлон уриб меҳнат қилаётганлар эртага фахрийлик ёшига етишади. Ана шунда улар тажрибаси ишчи давом эттираётган ёшларга асқотади. Худди "БКМ" филиали фахрийларининг иш тажрибаси ёш алоқачиларга ёрдам бераётгани каби.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Фахрийлар кенгаши тузилса ва кўпқилилик жамоаларда ташкил этилган фахрийлар кенгаши, кичик жамоаларда фахрийлардан бир вакил тайинланиб, ана шу кенгаша бириктирилса, бизнинггина эмас, барча алоқачи фахрийларнинг кўнглидаги иш бўлар эди. Ваҳоланки, бундай тажриба Ўзбекистон Республикаси ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура каби бир қатор ташкилотларда мавжуд.

Бизнинг таклифимиз эътибордан четда қолмайди, деган умиддамиз.

**Тоҳир РАҲИМОВ,**  
собиқ Алоқа вазири,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган алоқа  
ходими,  
**Равшан АСҚАРОВ,**  
Алоқа, ахборотлаштириш  
соҳаси тарихи ва мероси  
жамоат фонди раиси,  
"Моҳир алоқачи" унвони  
соҳиби,  
**Рихси ИСАЕВ,**  
ТАТУ профессори

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини  
вақтинча бажарувчи:  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Азим АХМЕДХАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ,  
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,  
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.  
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78  
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума кунини  
чиқарди

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Маязи: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-743 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 3221 нусха.